


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2019 йил 3 декабрь, № 249 (7479) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# КЕЛАСИ ЙИЛДА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 декабрь куни 2020 йилда устувор йўналишлар бўйича ислоҳотларни жадаллаштириш, бу борадаги мақсадли параметрларни белгилаш ва таъминлаш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.**

Жаҳон бозорида рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги кунда иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш — энг устувор вазифа, замон билан ҳамнафас бўлишнинг муҳим шарти экани таъкидланди.

Бу масала давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Иқтисодиётни либераллаштириш, тенг рақобат муҳитини шакллантириш, маҳаллийлаштиришни кенгайтириш, энергия тежамкорлигини ошириш каби муҳим йўналишлар бўйича ўнлаб Фармон ва қарорлар қабул қилиниб, бизнес субъектларига зарур шароитлар яратилди.

Лекин ислоҳотлар реал ҳаётда ўз аксини етарли даражада топмаяпти. Йиғилишда турли соҳаларда йўл қўйилаётган камчиликлар кўрсатиб ўтилди, тегишли раҳбарларнинг фаолияти кескин танқид остига олинди.

Масалан, энергетика тизимидаги йўқотишларни кескин камайтириш, сотилган электр қувватининг ҳисобини тўғри юритиш ва дебитор қарздорликни қисқартириш ишлари етарли даражада олиб борилмаяпти.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, табиий газни қазиб олиш, транспортировка қилиш ва тақсимлашда ҳаққоний ҳисобга олиш тизими мавжуд эмас. Айниқса, газ ва электр энергияси таъминотидаги узилишлар аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Сўнгги 3 йилда кадастр соҳасини ислоҳ этиш бўйича ҳам қабул қилинган 10 га яқин қарорлар ҳалигача тўлиқ ишлаб кетгани йўқ. Масалан, ер ажратишнинг онлайн аукцион тизими ҳанузгача жорий этилмаган, кадастр маълумотларини рақамлаштириш ишлари якунланмаган. Ҳозирги кунга қадар ерга бўлган ҳуқуқнинг янги шакли ва уни беришнинг очиқ-ошкора механизмлари ишлаб чиқилмаган.

Қурилиш соҳасида бугунги кунга қадар эски стандарт ва меъёрлар сақланиб қолмоқда, деди давлатимиз раҳбари. Янги инновацион ечимлар ва лойиҳалар устида ишловчи мутахассислар тайёрлашга умуман эътибор берилмаяпти.

Лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш, қурилишга рухсатнома бериш ва келишиш жараёнлари қоғоз шаклида амалга оширилмоқда. Мутасадди ташкилотларда ўзаро электрон ҳамкорлик йўлга қўйилмаган.

Йиғилишда транспорт соҳасидаги муаммоларга ҳам эътибор қаратилди. Мисол учун, юк ташиш тарифлари юқорилиги боис маҳсулотлар таннархи баландлигича қоляпти. Аҳолига қулай ва арзон транспорт хизматлари кўрсатиш талаб даражасида эмас.

Халқаро таълим стандартларини жорий этишга етарли эътибор қаратилмаётгани ҳам қайд этилди. Президент таъкидлаганидек, профессор-ўқитувчилар малакасини баҳолаш мезонлари замон талабларига мос келмайди.

Бундай нуқсонларни банк-молия, солиқ, рақамли иқтисодиёт, коррупцияга қарши кураш каби бошқа соҳаларда ҳам кузатиш мумкин.

Жаҳон банкининг хулосасига кўра, иқтисодиётимизда давлат улуши ҳанузгача юқорилигича қолмоқда ва бугунги кунда 50 — 55 фоизни ташкил этади.

Шу муносабат билан сўнгги уч йилда қабул қилинган қарорлар ижросини танқидий баҳолаш орқали "оқсаётган" 13 та муҳим йўналишда тизимли муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича таъсирчан чоралар ишлаб чиқишга масъул ишчи гуруҳлар тузилди.

Давлатимиз раҳбари ушбу ишчи гуруҳлар томонидан жорий йил 20 декабргача амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирларни белгилаб берди.

Аввало, қайд этилган ҳар бир тармоқ бўйича сўнгги уч йилда қабул қилинган ҳужжатларни тўлиқ хатловдан ўтказиш, уларнинг ҳаётга жорий этилиш ҳолатини танқидий ўрганиш зарурлиги таъкидланди. Чунки айрим қарорларда ўрнатилган тартиблар амалда қўлланилмаяпти. Масалан, Жаҳон банки экспертларининг фикрича, Ўзбекистонда тадбиркорлик соҳасидаги 97 ислоҳотдан атиги 24 таси тўлиқ жорий қилинган.

Президент Шавкат Мирзиёев қарорларда белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш ҳолатини танқидий таҳлил қилиш, бунга тўсиқ бўлаётган муаммоларни аниқлаш, уларни ҳар бир соҳа, йўналиш ва ҳудуд кесимида ҳал этиш бўйича топшириқлар берди.

Мутасаддиларга 2020 йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар, уларнинг масъул ижрочилари, аниқ муддатлари ва молиялаштириш манбаларини кўрсатган ҳолда, "Йўл харитаси" ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Бу ҳужжатларда ҳар бир тармоқ ва ҳудуд бўйича қилинадиган ишлар ҳамда келаси йили эришиладиган марралар ўз аксини топади.

Ислоҳотларни жадаллаштириш ва "йўл хариталари" ижросини сифатли таъминлаш мақсадида ҳар бир йўналиш бўйича "лойиҳа офислари" ташкил этиш зарурлиги таъкидланди. Бундай тузилмаларнинг асосий вазифаси муайян чора-тадбир бўйича аниқ механизмлар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга татбиқ этишдан иборат бўлади.

Белгиланаётган ишлар ижросини сифатли ташкил этишга кенг жамоатчилик, тадбиркорлар, халқаро молия институтлари мутахассислари, хорижий экспертларни жалб қилиш мақсадга мувофиқлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтириш, шу орқали рақобатбардошликни ошириш 2020 йилги энг устувор вазифа бўлиши кераклигини таъкидлади.

Тармоқлар раҳбарлари асосий эътиборни инвестициялар самарадорлигига қаратиши лозимлиги қайд этилди.

Ислоҳотлар ижроси сўзсиз таъминланиши учун шундай назорат тизими белгиландики, унга мувофиқ, Ўзбекистон Бош вазири ҳар икки ҳафтада ишчи гуруҳлар томонидан бажарилган ишлар, аниқланган муаммолар ва уларнинг ечими юзасидан ишлаб чиқилган таклифларни муҳокама қилиб боради. Масъул соҳа раҳбари ҳар ой аниқ бир ҳудуд мисолида бажарилган ишлар ва уларнинг натижалари юзасидан Вазирлар Маҳкамасида тақдимот ўтказади. Мақсадли индикаторларни таъминламаган раҳбарнинг шахсий жавобгарлиги кўриб чиқилади.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар бўйича ишчи гуруҳлар раҳбарлари ва уларга бириктирилган масъулларнинг ахбороти тингланди.

**ЎзА.**

## САЙЛОВ — 2019

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда. Бугунги сонда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси номидан "O'zLiDeP ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини янада оширишдан манфаатдор" сарлавҳали саҳифа эълон қилинмоқда.**

2-саҳифага қаранг.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ» УНИТАР КОРХОНАСИНИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ШАКЛИДА ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ–4487-сон "Ўзбекистон Республикаси банк секторининг молиявий барқарорлигини оширишга оид биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ "Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки" унитар корхонаси фаолиятида замонавий умумэътироф этилган корпоратив бошқарув тамойилларини жорий этиш мақсадида:

1. Молия вазирлиги ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлигининг **унитар корхона шаклидаги "Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки"ни** (кейинги ўринларда — Ўзмиллийбанк) **"Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки" акциядорлик жамияти шаклида** (кейинги ўринларда — "Миллий банк" АЖ) **қайта ташкил этиш тўғрисидаги** таклифига розилик берилсин.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, фуқароларнинг ахборот олишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини кафолатлаш борасида етарли даражада қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, соҳанинг мустаҳкам ҳуқуқий базаси яратилди.

Шу билан бирга, матбуот, оммавий ахборот воситалари, ахборот тарқатиш, аҳолини холис ва тезкор ахборот билан таъминлаш, мамлакатимизда содир бўлаётган янгиликларни чет давлатларга, чет давлатлардаги воқеа-ҳодисаларни мамлакатимиз аҳолисига тезкорлик билан етказиш бўйича амалдаги тизим бугунги кун талабларига жавоб бермаяпти.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг асл мазмуни ва моҳияти ҳақида холис хабарларни аҳолининг барча қатламларига ҳамда дунё ҳамжамиятига тезкорлик билан ва сифатли етказиш, миллий ахборот маконини ривожлантириш, глобал ахборот майдонида республиканинг ўрнини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида:

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Волонтёрлик фаолияти тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 6 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2019 йил 30 ноябрда маъқулланган

**1-боб. Умумий қоидалар**

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади волонтёрлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Волонтёрлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Волонтёрлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида волонтёрлик фаолияти тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**волонтёр** – волонтёрлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахс;

**волонтёрлар гуруҳи** – ушбу Қонунда белгиланган нормалар татбиқ этиладиган, волонтёрлик фаолиятини биргаликда амалга ошириш мақсадида ташкил этилган, ўн нафаргача кишидан иборат бўлган шахсларнинг ихтиёрий гуруҳи;

**волонтёрларни мувофиқлаштирувчи** – волонтёрлик фаолиятининг ташкилотчиси, волонтёрлик ташкилоти томонидан тайинланган ёки волонтёрлар ишини ташкил этиш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш учун жавобгар бўлган волонтёрлар гуруҳи таркибига кирувчи волонтёрлар томонидан сайланган жисмоний шахс;

**волонтёрлик** – фуқаролар, уларнинг гуруҳлари ёки волонтёрлик ташкилотлари томонидан жисмоний ва (ёки) юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб ихтиёрий фаолиятни амалга ошириш;

**волонтёрлик акцияси** – волонтёрлик ташкилоти, волонтёрлар ёки волонтёрлар гуруҳи томонидан бажариладиган, ижтимоий жиҳатдан аниқ йўналтирилган, жамоат учун фойдали вазифаларни ҳал этишга қаратилган бир марталик тадбир;

**волонтёрлик ташкилоти** – қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган ва волонтёрлик фаолиятини амалга оширувчи нодавлат нотижорат ташкилоти;

**волонтёрлик фаолияти** – жисмоний ва (ёки) юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб бепул асосда амалга ошириладиган, эркин хоҳиш-иродага кўра бажариладиган, ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган, жамоат учун фойдали бўлган ихтиёрий фаолият;

**волонтёрлик фаолиятининг ташкилотчиси** – давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар, шунингдек волонтёрларни мустақил равишда ёки волонтёрлик ташкилотлари орқали жалб қилувчи жисмоний шахслар.

(Давоми 3-бетда).



## МАРКАЗИЙ ОСИЁДА МУТЛАҚО ЯНГИ ИЖОБИЙ СИЁСИЙ МУҲИТ

**Кейинги уч йилда мамлакатимиз ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақаси устувор йўналиш сифатида белгиланди. Экспертларнинг қайд этишича, Президент Шавкат Мирзиёевнинг қўшни давлатларга нисбатан сиёсатини кенгроқ маънода тушуниш зарур. Яъни Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон ушбу минтақа барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши қўшничилик ҳудудига айланишидан манфаатдордир. Бундай ёндашув умумий масалаларни биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан муваффақиятли ҳал қилишда муҳим ҳисобланади.**

Қўшни давлатлар билан алоқалар жадаллашгани, умумий муаммоларнинг ҳал этилгани, чунончи, айрим сунъий тўсиқлар бартараф қилиниши, давлат чегарасидаги баъзи назорат-ўтказиш пунктларида чекловлар олиб ташланиши бунга ижобий таъсир кўрсатди. Халқаро кузатувчилар фикрига кўра, **Ўзбекистон раҳбарининг қатъий саъй-ҳаракатлари билан Марказий Осиёда мутлақо янги ижобий сиёсий муҳит шаклланди**.

Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари маслаҳат учрашуви ғоясининг илгари сурилиши минтақа турмуш тарзида ўзига хос драйвер вазифасини ўтайдиган бўлди.



*Газетамизнинг 6-саҳифаси Тошкентда бўлиб ўтган ушбу йирик анжуманга бағишланади.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ КОРХОНАЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ СОҒЛОМЛАШТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўтган давр мобайнида республикада иссиқлик таъминоти тизимини яхшилаш ҳамда аҳолини иссиқлик энергияси ва иссиқ сув билан таъминлаш даражасини ошириш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Амалий чора-тадбирлар доирасида иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш ҳолати комплекс ўрганилди ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологиялар синовдан ўтказилди.

Шу билан бирга, республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ҳозирги босқичи иссиқлик таъминоти тизимини комплекс модернизация қилиш ва энергия тежовчи замонавий технологиялар асосида унинг техник даражасини ошириш зарурлигини тақозо этмоқда.

Иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш ва модернизация қилиш, ресурсларни тежовчи замонавий технологияларни жорий этиш, аҳолини иссиқлик энергияси ҳамда иссиқ сув билан таъминлаш сифати ва даражасини яхшилаш чора-тадбирларини изчил амалга ошириш мақсадида:

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳри иссиқлик таъминоти тизимининг муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш, аҳолининг турмуш шароитлари ва сифатини яхшилаш, шунингдек, уларга кўрсатиладиган уй-жой коммунал хизматлар даражасини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Осиё тараққиёт банки ўртасида **Тошкент шаҳри иссиқлик таъминоти тизимини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида бошқарувга бериш** юзасидан маслаҳат хизматларини кўрсатиш бўйича битим тузилганлиги;

истеъмолчининг унификация қилинган шахсий ҳисобварағини жорий этган ҳолда Тошкент шаҳри бўйича Коммунал хизматларни бошқариш маркази ва коммунал корхоналарнинг биллинг тизимлари билан интеграциялаштирилган **Коммунал хизматлар ягона биллинг тизимини** яратиш, кейинчалик ушбу тизимни республика бўйича оммалаштириш юзасидан чоралар кўрилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқилган:

(Давоми 5-бетда).

# O'ZLIDEP ИЖТИМОИЙ СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, АҲОЛИ ҲАЁТ ДАРАЖАСИ ВА СИФАТИНИ ЯНАДА ОШИРИШДАН МАНФААТДОР

**Ижтимоий тараққиёт ва ижтимоий адолат тамойилини таъминлаш, аҳолининг бу борадаги эҳтиёжларини қондириш ҳар бир сиёсий партиянинг сайловолди платформасидан кенг ўрин эгаллаган. Шубҳасиз, мазкур масала партиямизнинг ҳам муҳим вазифаларидан саналади. Зеро, жамият ҳаётида ижтимоий адолат ўрнатилса, ўша жойда тараққиёт жадал одимлайди, одамлар ислоҳотларга камарбаста бўлади.**

## Тўлиқ бандлик ва барча учун муносиб иш ўрни

**Мавлудахон ХЎЖАЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси, ЎзЛиДеП Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари:**



— Биз мамлакатимизда ишсизлик, айниқса, ёшлар ўртасидаги ишсизлик муаммоси бўлмаслиги керак, деб ҳисоблаймиз. Фуқаролар бандлигини тўлиқ таъминлаш ва меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш, янги иш ўринларини яратиш, меҳнат бозори инфратузилмасининг мувозанатланганлиги ва ривожланишига эришиш, ишсизлик даражасини қисқартириш мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муҳим шарти ҳисобланади. Биз "Тадбиркорлик — аҳоли бандлигининг гарови!" ғояси ҳаётимизга тўлиқ жорий этилишига интиламиз ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси амалиётини қўллаб-қувватлаймиз.

Партиямиз мазкур йўналишда иш ўринлари захирасини яратиш, аҳоли, жумладан, хотин-қизлар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож бошқа тоифалари, энг аввало, ёшларни ишга жойлаштиришда янги усуллардан фойдаланиш, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, реал иш ҳақи барқарор ўсишига кўмаклашувчи солиқ сиёсатини амалга ошириш чора-тадбирларини таклиф этмоқда.

Кичик бизнес ва фермерликни иш ўринларини яратувчи генератор сифатида изчил қўллаб-қувватлаймиз. Оилавий тадбиркорлик, касаначилик, томорқа хўжалиги ва хусусий тадбиркорликни аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда фуқаролар оилавий бюджети даромадларини ўстиришнинг энг самарали шаклларидан бири сифатида кўрамиз. Шу маънода, ишга лаёқатли аҳоли учун уларнинг меҳнатга доир ва тадбиркорлик фаоллигини юзага чиқариш, ишчи кучининг сифатини яхшилаш, бозор талабларини ҳисобга олиб, ишга жойлашишга муҳтож бўлган шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, оилавий тадбиркорлик, касаначилик, томорқа хўжалиги ва хусусий бизнес билан машғул фуқароларнинг замонавий машина, ускуна, хом ашё ва материаллар харид қилиши учун молиявий ресурсдан фойдаланиш имкониятларини янада яхшилаш, уларга маркетингни ўргатиш, касаначилик маҳсулотлари (ишлар ва хизматлар) ишлаб чиқарилишини ташкил этиш мақсадида буюртмачиларни излаш ҳамда бозорда талаб юқори бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариши учун тадбиркорликнинг бошқа субъектлари билан кооперацияга киришишига йўналтирилган чора-тадбирларни изчиллик билан давом эттирамиз.

Маълумки, кейинги йилларда юртимизда ташқи меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш, вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга жўнаб кетаётган фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, уларга зарур ҳуқуқий, ижтимоий, ахборот-маслаҳат ёрдами кўрсатиш ва моддий қўллаб-қувватлаш борасида кўламли саъй-ҳаракатлар олиб борилаётганига қарамай, янги иш ўринлари ташкил этишда давлат буюртмаларини ишлаб чиқиш, айниқса, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатлами учун иш жойлари квотасини белгилаш, аниқ мақсадга йўналтирилган комплекс тадбирларни амалга оширишда қатор муаммолар мавжуд.

Уларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг амалий таклифлари асосида давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 20 августдаги "Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоралари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Мазкур ҳужжатда фуқароларни хорижда уюшган ҳолда ишга жойлаштириш, улар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмини кучайтириш, меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахслар, шунингдек, уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган аниқ вазифалар кўзда тутилган.

Шунга мувофиқ, меҳнат мигрантларига бир йил муддатга сўраладиган ҳужжатлар минимал пакети (паспорт, ариза, меҳнат органи илтимосномаси) гаров таъминотисиз, уни тезлаштириб, бир банк иш куни давомида беришни расмийлаштириш маъқулланди. Шунингдек, хорижда ишга жойлашиш билан боғлиқ бўлган харажатни тўлаш учун 2 миллион сўм миқдорида микроқарз бериш тизими жорий этилмоқда. Бундан ташқари, ҳужжатга кўра, эндиликда вақтинча меҳнат фаолияти билан шуғулланиш учун хорижга жўнаш истагини билдирган шахсларга онлайн режимида ишга жойлашиш тартиби, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, қонунчиликда назарда тутилган молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида ахборот бериб борилади, уй-жой шароитини яхшилашга эҳтиёжманд меҳнат мигрантларига 2020 йилда кўп квартирали уйлардан 3462 та хонадон ажратиладиган бўлди.

Биз сайловолди дастуримизда аҳолининг тўла бандлигини таъминлаш ва меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда ишсизлик даражасини қисқартириш каби ўта муҳим вазифаларни белгилаб олганмиз.

Партия келгуси фаолияти давомида Ўзбекистоннинг халқаро ишчи кучи бозорига босқичма-босқич кириб бориши, меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш, ўз уйи, оиласини ташлаб узоқ юртларда даромад топиш мақсадида ишлаётган юртдошларимиз ҳақ-ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари кафолатларини кучайтириш, жамиятда уларга нисбатан билдирилаётган ҳар қандай салбий муносабат ва фикрларга қарши туриш ҳамда давлатлараро ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир **"Меҳнат миграцияси тўғрисида"ги қонун** лойиҳасини ишлаб чиқиш ташаббусини кўрсатмоқда.

## Янги Ўзбекистон — бахтли инсонлар мамлакати

**Иброҳим ХОЛМАТОВ,
ЎзЛиДеП Тошкент вилояти кенгаши бўлим бошлиғи:**



— Демократик ўзгаришлардан кўзланган энг асосий мақсад ҳам, уларни ҳаракатлантирувчи асосий куч ҳам инсондир. Шу боис O'zLiDeP шахснинг уйғун ривожланиши учун шарт-шароитлар яратилишини, эркин ва либерал давлатнинг ўз ҳуқуқларини биладиган, ўз кучи ва имкониятларига таянувчи, келажагини мустақил равишда барпо этадиган эркин фуқароларини камолга етказишни ҳамда тенг имкониятлар, турмушнинг юқори даражаси ва барча учун бирдек фаровонликни таъминлашга кўмаклашадиган чора-тадбирлар амалга оширилишини ёқлайди.

Партиямиз оила ва унинг ҳақ-ҳуқуқларини тўлақонли ҳимоя қилиш учун ҳуқуқий асос яратиш мақсадида — **"Турмуш қурган аёлларнинг фуқаролиги тўғрисида"ги** халқаро Конвенцияга Ўзбекистоннинг қўшилиш вақти келди, деб ҳисоблайди.

### ПАРТИЯМИЗ ЮРТИМИЗНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАСИНИ ҚУЙИДАГИЛАРДА КЎРАДИ:

- ✔ ривожланган инфратузилмага эга замонавий шаҳарлар ва қишлоқлар ташкил этиш,
- ✔ илғор технологиялар воситасида бутун мамлакат аҳолиси турмушини юқори даражага кўтариш,
- ✔ мамлакатимиз урбанизация даражасини 2030 йилга қадар 60 фоизга етказиш,
- ✔ аҳолини, энг аввало, ёш оилаларни арзон ва замонавий қулай уй-жой билан таъминлаш, аҳоли учун яшаш жойи атрофида иш жойларини яратиш, коммунал-маиший хизматлар, фуқароларнинг тоза ичимлик суви, электр энергияси ҳамда ишончли ва замонавий энергия тежамкор технологиялардан фойдаланиш имкониятини янада ошириш, соҳада хусусий секторни изчил ривожлантириш,
- ✔ мамлакатимиздаги шаҳарларни дунёнинг ривожланган мегаполислари модели асосида тараққий эттириш, уйсозлик ва лойиҳалаштиришда аҳоли эҳтиёжларини ҳисобга олиш, хавфсиз, ранг-баранг ва эстетик жозибали муҳитни яратиш,
- ✔ аҳолига транспорт хизматлари кўрсатилишини тубдан яхшилаш, йўловчи ташишнинг хавфсиз ва қулайлигини ошириш, йўл инфратузилмасини барпо этиш ва реконструкция қилиш.

Ана шуларга эришиш мақсадида биз шаҳарларимизни ишбилармонлик ва бизнес марказларига, тан олинган фан, маданият, маърифат ва маънавият марказларига айлантиришни, "ақлли ва хавфсиз шаҳарлар" концепциялари, шунингдек, шаҳарлар ва қишлоқларни ривожлантиришнинг узоқ муддатли дастурлари ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини таклиф қиляпмиз. Ушбу дастурлар ҳар бир юртдошимизга ғамхўрлик қилиш, илғор амалиёт асосида барча масалани самарали ва оқилона ҳал қилиш, иқтисодиётнинг бизнес драйвери сифатида шахсий ташаббусни рағбатлантириш, ҳокимликларнинг ҳисобдорлигини таъминлаш каби тамойилларга асосланади.

Аёнки, Ер юзидаги ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси унинг кекса авлод вакиллари ва хотин-қизларга нисбатан муносабати билан белгиланади. Шу боис хотин-қизлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг муносиб меҳнат қилиши, яшаши ҳамда қобилияту салоҳиятини рўёбга чиқариши учун шароитлар яратиш, жамиятдаги ўрни ва мақомини мустаҳкамлашга кўмаклашиш кейинги беш йилда ҳам партиянинг ўта муҳим вазифаларидан бўлиб қолаверади. Яъни мамлакатимиз ривожланишига, халқ фаровонлиги ва инновацион лойиҳалар амалга оширилишига салмоқли ҳисса қўшаётган фаол тадбиркор хотин-қизлар ва фермерларни рағбатлантириш, улар фаолияти ва илғор иш тажрибасини оммалаштиришга йўналтирилган саъй-ҳаракатларимиз изчиллик билан давом эттирилади.

Яна бир муҳим масала: сўнгги пайтларда хорижга турмушга чиқиб, таҳқирланган ва қайтиш учун ёрдам сўраган аёллар билан боғлиқ воқеалар кўп кузатилмоқда. Шу каби ҳолатларнинг олдини олиш учун Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Ташқи ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда бутун республика бўйлаб чет элга келин бўлиб кетган аёллар рўйхатини шакллантириш, улар билан боғланиш ва турмуш шароитини ўрганиш бўйича ҳамкорлик қилиш режалаштирилмоқда. Биз бундай тоифадаги аёллар-

Бундан ташқари, Хотин-қизлар қўмитаси ҳузурида вақтинчалик ишларни бажарувчи аёлларни ҳисобга олиш марказлари ташкил қилиш ҳамда уларнинг ҳуқуқий кафолатини қонуний мустаҳкамлаш, ижтимоий бизнесни ривожлантириш орқали аёллар бандлигини таъминлаш, халқаро тажрибадан келиб чиқиб, энага, ҳайдовчи ва уй ишчилари меҳнатига оид қонунчиликни ривожлантириш, ушбу хизматлар бўйича фирмалар ташкил этиш ва уларнинг хизматидан фойдаланганлар учун мол-мулк солиғидан чегирмалар ажратиш таклифлари билан чиқяпмиз.

Партиямиз "Оила соғлом ва бахтли бўлса, бутун жамият гуллаб-яшнайди" тамойилини амалга ошириш, оила институтини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ишларни қўллаб-қувватлайди. Оила қанчалик мустаҳкам бўлса, жамият шунчалик кучли, давлат қудратли бўлади! Биз оила институтини мустаҳкамлаш масаласига, аввало, унинг иқтисодий асосини яхшилаш, шунингдек, оилавий бизнес ва касаначиликни ривожлантириш нуқтаи назаридан ёндашамиз.

Шунингдек, аҳоли ночор қатлами ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, ижтимоий хизмат кўрсатилишини яхшилаш, бу йўналишда давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш устувор вазифаларимиз қаторидан ўрин олган.

Қолаверса, биз имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар ўзларини жамиятнинг тўлақонли аъзоси, деб ҳис этишлари, бизнесини йўлга қўйиб, келажагини қуришлари учун реал шарт-шароитни яратиш, аҳолининг кам таъминланган қатламлари улушини икки баравар камайтириш, барча эҳтиёжманд кишиларни ижтимоий ҳимоялаш чоралари билан тўлиқ қамраб олиш, бундай юртдошларимиз учун базавий ресурслардан (ер майдонлари, банк кредити ва бошқалар), янги технологиялар ва молиявий хизматлардан, жумладан, микромолиялашдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга астойдил ҳаракат қиламиз.

## Қулай, сифатли ва профессионал тиббиёт

**Нодира МАМАТОВА,
Тошкент давлат стоматология институти Стоматология ва юз-жағ жарроҳлиги илмий-амалий маркази директори:**



— O'zLiDeP **Ўзбекистоннинг соғлиқни сақлаш тизимида юқори самарадорликка эришган энг илғор 30 та мамлакат қаторига киришига,** оналар ўлими кўрсаткичини учдан бир қисмга, чақалоқлар ва беш ёшгача бўлган болалар ўлимини икки баробар, аҳоли ўртасида юрак-қон томир, онкологик касалликлар, қандли диабет ҳамда сурункали респиратор касалликлардан ўлим ҳолатларини 30 фоиз камайтиришга эришиш ғоясини илгари сурмоқда.

Бу борада, албатта, соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, суғурта соҳасини ривожлантириш ва аҳоли соғлиғини суғурталаш тизимини жорий этиш, давлат-хусусий шериклик тамойилини ҳаётга изчил татбиқ этиш, хусусий тиббиётни ривожлантириш орқали малакали тиббий хизмат кўрсатиш бобида соғлом рақобат муҳитини яратиш ва тиббиёт туризмининг юксак халқаро мезон ва стандартларга мослигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз Фармони билан тасдиқланган 2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясида мажбурий тиббий суғуртани босқичма-босқич жорий этиш ҳам кўзда тутилган бўлиб, бу кўплаб мулоҳазаларга сабаб бўлмоқда.

Биз Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертлари билан ҳамкорликда ишлаб, юртимизда мажбурий тиббий суғуртани жорий этиш зарур, деган тўхтамга келдик. 2019-2020 йиллар давомида бу борада тайёргарлик босқичи олиб борилиб, тизимнинг ҳуқуқий асоси ишлаб чиқилади. Биринчи босқич 2021 йилнинг 1 январидан бошланиб, тажриба сифатида Сирдарё вилоятида амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган бўлса, иккинчи босқичда, яъни 2023 йилнинг 1 январидан республикамизнинг 6 вилояти, 2025 йил 1 январдан эса мамлакатимизнинг барча ҳудуди тўлиқ қамраб олинади.

Шу ўринда айтиш керакки, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламнинг мажбурий суғуртасини давлат ўз зиммасига олади, яъни ушбу йўналишда ҳам ижтимоий ҳимоя сақлаб қолинади. Муҳими, суғурта туфайли тиббиётда тартиб ўрнатилади, ташхис ва даволаш стандартларини махсус экспертлар назорат қилади. Муолажалар оз ҳамда керагидан ортиқча бўлишига йўл қўйилмайди. Мажбурий суғурта тизимини самарали татбиқ этиш мақсадида ахборот-коммуникация технологиялари жорий қилинади.

Мажбурий тиббий суғурта тизимининг ишга туширилиши натижасида мулк шаклидан қатъи назар, малакали тиббиёт ходимига, замонавий тиббий ускуна ва жиҳозларга эга бўлган, арзон тиббий хизмат мажмуасини таклиф эта оладиган тиббиёт ташкилотларига талаб ортади. Бошқача айтганда, бундай ташкилотлар мажбурий тиббий суғурта маблағларига даъвогар бўладиган муассасалар ҳисобланади. Натижада малакали ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш борасида давлат ва хусусий тиббиёт ташкилотлари ўртасида ҳақиқий соғлом рақобат муҳити шаклланади.

Бундан ташқари, охирги йилларда соғлиқни сақлашда хусусий секторни қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган комплекс чора-тадбирлар туфайли нодавлат тиббиёт муассасалари сони ошди, улар томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматлар турлари кенгайди. Шу билан бирга, соҳада давлат-хусусий шерикликнинг ҳуқуқий асосини яратиш, инвестицияларни, айниқса, чет эл сармояларини жалб этишни кенгайтириш, шунингдек, аҳолининг юқори технологик тиббий хизмат ва ускуналардан фойдаланиш имкониятларини оширишда нодавлат сектор иштирокини рағбатлантиришга қаратилган қатор Фармон ва қарорлар қабул қилиниши соҳани чуқур ислоҳ этишга замин яратди. Имтиёзлар ва яратилган шарт-шароитлар натижасида лицензия олиш учун берилган аризани кўриб чиқиш муддати 30 кундан 20 кунга қисқартирилди. Бу учун тўланадиган давлат божи энг кам иш ҳақининг 10 бараваридан 5 бараваригача камайтирилди, хусусий тиббиёт муассасалари шуғулланиши мумкин бўлган тиббий ихтисослик турлари 50 тадан 126 тага кўпайди.

**ПИРОВАРДИДА**

бугунги кунга келиб, **5308 та** хусусий клиника самарали фаолият олиб бормоқда.
Биргина жорий йилнинг ўзида бундай муассасалар сони **664 тага** кўпайди.
Уларда **1000 дан** ортиқ иш ўринлари яратилди.

Шунинг учун партиямиз сайловолди дастурида хусусий тиббиётни янада ривожлантириш, улар сонини кўпайтириш ва кўрсатилаётган тиббий хизматлар турларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратиб, давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида хизмат сифатининг тубдан яхшиланишини ёқлайди.

Хорижий давлатлар тажрибасида ижобий тавсифланадиган шифокорга замонавий ахборот технологиялари ёрдамида бемор билан алоқа ўрнатиш ва масофадан туриб даволаш имконини берувчи "Ақлли тиббиёт" тизимининг бизда ҳам татбиқ этила бошлангани, "электрон навбат", "беморнинг электрон карточкаси", "электрон рўйхатга олиш", "электрон рецепт" тизими, "электрон дорихона", "электрон ордер" каби хизмат ва сервислар яратилаётганлиги, телемедицина, мобил медицина (мобил хизматлар, m-Health), электрон таълимни ривожлантириш жадал олиб борилаётгани қувонарли ҳолдир. Зеро, бемор танасига ўрнатилган махсус датчик ва чиплар орқали шифокор, қаерда бўлишидан қатъи назар, мижози саломатлиги ҳақидаги муҳим маълумотлар — тана ҳарорати, қондаги қанд миқдори, артериал қон босими ҳақидаги ахборотдан хабардор бўлиб туради. Бу эса сурункали ва яширин кечувчи касалликлар профилактикасида, уларни аниқлаш, бемор саломатлиги ҳолатини мониторинг қилиш ва даво чораларини тайинлашда муҳим. Бу тизим орқали, симсиз алоқадан фойдаланган ҳолда, тиббий ёрдамни уйда олиш мумкин бўлади. Тиббий маълумотлар асосида касалликнинг олдини олиш, соғайиш жараёнларини таҳлил қилиш учун сунъий интеллект технологиялари жорий этилиши ҳам кўзда тутилган.

Шу асосда партиямиз томонидан аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматларни дунёдаги энг илғор талаблар даражасига кўтариш, касалланиш кўрсаткичларини пасайтириш ва аҳолининг узоқ умр кўришини таъминлашга йўналтирилган "Ақлли тиббиёт" концепциясини кенг жорий этиш, илғор ускуналар билан жиҳозланган, малакали кадрларга эга, юқори технология ва самарали тиббий хизматни шакллантириш, тиббиёт муассасалари илмий, услубий ва таълимга оид салоҳиятини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимида инновацион диагностика восита ва усуллари жорий қилинишига кўмаклашиш, юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси ва назорати бўйича узоқ муддатли давлат стратегиясини (дастурини) ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, аҳолини арзон нархдаги сифатли дори воситалари билан таъминлаш ҳам муҳим вазифалар қаторида белгилаб олинган.

Шифокорлар ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, улар ва аҳоли ўртасидаги муносабатларнинг аниқ мезонларини ишлаб чиқиш ва буни қонун даражасига кўтариш, тиббиёт ходимларига узоқ муддатли ипотека кредитлари берилишини йўлга қўйиш орқали уларнинг жамиятдаги ижтимоий мавқеини юксалтирмоқчимиз. Бундан ташқари, давлат тиббиёт муассасалари шифокорлари ўртасида ҳар йили "Йил шифокоролими", "Йил шифокор-тадқиқотчиси" "Йил эркак шифокори", "Йил аёл шифокори" "Йил ҳамшираси", "Йил тез тиббий хизмат ҳайдовчиси" каби танловлар ташкил этамиз. Қолаверса, жамиятда соғлом турмуш тарзи ва соғлом овқатланиш маданиятини шакллантириш, оилаларда соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, болалар, айниқса, қизларда жисмоний тарбия ва спортга муҳаббат уйғотиш, "Фарзандлари соғлом юртнинг келажаги буюкдир" тамойили ҳаётга изчил татбиқ этилиши тарафдоримиз.

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

# Волонтёрлик фаолияти тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**4-модда. Волонтёрлик фаолиятининг мақсад ва вазифалари**

Волонтёрлик фаолиятининг мақсадлари жисмоний ва юридик шахсларга, умуман жамиятга ёрдам кўрсатиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий аҳамиятга молик тадбирларда уларни ташкил этувчиларнинг розилиги билан иштирок этиш, жамиятда фуқаролик нуқтаи назарини, ўзини ўзи ташкил этишни, ижтимоий масъулият, бирдамлик, ўзаро ёрдам бериш ва раҳм-шафқат туйғуларини шакллантиришдан иборатдир.

Волонтёрлик фаолиятининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

фуқароларни аҳолининг турмуш сифатини яхшилашга қаратилган турли хил жамоат фаолиятига жалб этиш механизмларини шакллантириш;

ижтимоий вазифаларни ҳал этишда жамиятга ёрдам кўрсатиш;

волонтёрлик фаолиятини ташкил этишга қаратилган фуқаролик ташаббусларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш;

аҳолида соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш, ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш;

фуқаролар томонидан ижтимоий вазифаларни ҳал этиш учун ўзини ўзи намоён этиш ва ўзини ўзи ташкил этиш кўникмаларини олиш.

**5-модда. Волонтёрлик фаолиятининг асосий принциплари**

Волонтёрлик фаолияти қонунийлик, инсонпарварлик, тенглик, ихтиёрийлик, беғаразлик принципларига асосланади.

**6-модда. Волонтёрлик фаолиятининг шакллари ва асосий йўналишлари**

Волонтёрлик фаолияти қуйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин:

якка тартибдаги волонтёрлик фаолияти;

волонтёрлар гуруҳи таркибидаги волонтёрлик фаолияти;

волонтёрлик ташкилоти орқали волонтёрлик фаолияти.

Волонтёрлик фаолияти қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади:

кам таъминланганларни, ишсизларни, кўп болалиларни, бошпанасизларни, қаровсиз қолганларни, шунингдек ижтимоий реабилитацияга муҳтож шахсларни қўллаб-қувватлаш мақсадида волонтёрлик ёрдами кўрсатиш;

беморларни, ногиронлиги бўлган шахсларни, ёлғизларни, қарияларни ҳамда ўзининг жисмоний, моддий ёки бошқа ўзига хос хусусиятлари сабабли қўллаб-қувватлашга ва ёрдамга муҳтож бўлган шахсларни парваришлаш;

табиий ёки техноген тусдаги фавқулодда вазият оқибатида, алоҳида режим, фавқулодда ҳолат жорий этилганда, ижтимоий можаролар, бахтсиз ҳодисалар натижасида жабрланган фуқароларга, шунингдек жиноятлардан жабрланганларга, қочқинларга ёрдам кўрсатиш;

ўзининг жисмоний ёки бошқа ўзига хос хусусиятлари сабабли ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини амалга ошириши чекланган шахсларга ёрдам кўрсатиш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, маданий меросни, тарихий-маданий муҳитни, дафн этиш жойларини сақлаб қолиш билан боғлиқ тадбирлар ўтказиш;

оммавий спорт, маданий тадбирларни ва бошқа жамоат тадбирларини ташкил этиш билан боғлиқ миллий ҳамда халқаро аҳамиятга молик тадбирларни ўтказишга кўмаклашиш;

алоҳида давр ва фавқулодда ҳолат ҳуқуқий режимларининг амал қилиши вақтида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига, бошқа ҳарбий идораларга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига волонтёрлик ёрдами кўрсатиш.

Волонтёрлик фаолияти қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа йўналишлар бўйича ҳам амалга оширилиши мумкин.

**7-модда. Волонтёрлик дастури**

Волонтёрлик дастури волонтёрлик ташкилоти, волонтёрлар ёки волонтёрлар гуруҳи томонидан тадбирларни ва кутилаётган натижаларни кўрсатган ҳолда бажариладиган, ижтимоий йўналтирилган, жамоат учун фойдали бўлган вазифаларни ҳал этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир.

Дастур:

волонтёрлик фаолиятини ривожлантиришга;

фуқароларнинг ва волонтёрлик ташкилотларининг волонтёрлик фаоллигини рағбатлантириш тизимини ривожлантиришга;

волонтёрларни ва волонтёрларни мувофиқлаштирувчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга;

турли волонтёрлик ташкилотлари ҳамда волонтёрлик меҳнатидан фойдаланувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги шериклик тизимини такомиллаштиришга қаратилган тадбирларни ўз ичига олиши керак.

**8-модда. Волонтёрлик фаолиятини ҳисобга олиш**

Волонтёрлик фаолиятини ҳисобга олишни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

Волонтёрлик фаолиятини ҳисобга олиш ихтиёрий хабардор қилиш хусусиятига эга бўлади.

**2-боб. Волонтёрлик фаолияти соҳасини давлат томонидан тартибга солиш**

**9-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг волонтёрлик фаолияти соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

волонтёрлик фаолияти соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

волонтёрлик фаолияти соҳасидаги давлат мақсадли дастурларини ишлаб чиқади;

волонтёрлик фаолияти соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат бошқаруви органларининг ишини йўналтиради ва мувофиқлаштиради;

волонтёрлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқади;

волонтёрлик фаолияти соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга ва тажриба алмашишга кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**10-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг волонтёрлик фаолияти соҳасидаги ваколатлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

жойларда волонтёрлик фаолияти соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширади;

жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан волонтёрлик фаолияти соҳасида ҳамкорлик қилади;

волонтёрлик фаолиятининг мониторингини амалга оширади;

волонтёрлик фаолияти амалиётини таҳлил қилиш, йиғиш ва умумлаштиришни амалга оширади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**11-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқароларнинг волонтёрлик фаолияти соҳасида иштирок этиши**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар волонтёрлик фаолияти соҳасида иштирок этишга ҳақлидир ҳамда оммавий волонтёрлик акцияларини қўллаб-қувватлашни амалга оширади.

**3-боб. Волонтёрлик фаолияти субъектлари. Волонтёрлик соҳасидаги муносабатлар**

**12-модда. Волонтёрнинг фаолияти**

Ўн саккиз ёшга тўлган жисмоний шахслар волонтёрлик фаолиятини амалга ошириши мумкин.

Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган жисмоний шахслар волонтёрлик фаолиятини, башарти бу фаолият уларнинг соғлиғига ҳамда ахлоқий ривожланишига зарар етказмаса ва ўқув жараёнини бузмаса, амалга ошириши мумкин.

Фавқулодда вазиятлар оқибатларининг олдини олиш ва уларни бартараф этишга доир ишларни амалга ошириш учун фақат ўн саккиз ёшдан катта бўлган волонтёрларга ижозат берилади.

Волонтёр қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзининг волонтёрлик фаолиятини амалга оширишда иштирок этишини ушбу Қонунда белгиланган талабларни ҳисобга олган ҳолда эркин танлаш;

агар волонтёр ҳамда волонтёрлик фаолиятининг ташкилотчиси ўртасида тузилган волонтёрлик шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ҳар қандай вақтда волонтёрлик фаолиятини эркин равишда тугатиш;

волонтёрлик фаолиятининг ташкилотчиси ва волонтёрлик ташкилоти тўғрисида ишончли ахборот олиш;

волонтёрлик дастурларини бажариш, волонтёрлик фаолиятини амалга ошириш учун ташкил этиладиган ёки тавсия қилинадиган волонтёрлик акцияларини ва бошқа тадбирларни ўтказиш;

волонтёрлик фаолияти ташкилотчисидан ва волонтёрлик ташкилотидан махсус кийим-бош олиш ҳамда йўл ҳақига, яшашга, овқатланишга, зарур якка тартибда ҳимояланиш воситаларини, асбоб-ускуналарни олишга сарфланган харажатларнинг ва бошқа харажатларнинг ўрни қопланиши;

волонтёрлик фаолияти ташкилотчисидан ва волонтёрлик ташкилотидан тавсиянома тусидаги хатларни олиш;

таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ташкилотларига ва табиатни муҳофаза қилувчи ҳамда ўрмон муассасаларининг ҳудудига мазкур ташкилотлар ва муассасалар раҳбарияти билан келишувга кўра волонтёрлик фаолиятини амалга ошириш учун кириш;

волонтёрлик ташкилотининг, волонтёрлик фаолияти ташкилотчисининг маблағлари ҳисобидан ҳаёти ва соғлиғини суғурта қилдириш.

Волонтёр:

волонтёрларни мувофиқлаштирувчидан, волонтёрлик ташкилотидан ҳамда волонтёрлик фаолиятининг ташкилотчисидан олинган топшириқларни виждонан бажариши;

фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини бузмаслиги, ўз фаолияти билан учинчи шахсларга ва атроф-муҳитга зарар етказмаслиги;

волонтёрлик фаолиятини амалга ошириш чоғида ўзига маълум бўлиб қолган махфий хусусиятга эга маълумотларни ошкор этмаслиги;

волонтёрлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида ўзига берилган моддий ресурслар ҳамда асбоб-ускуналарга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиши ва иш тугаганидан кейин уларни қайтариши;

давлат органларининг мансабдор шахсларига ўз ваколатларини амалга оширишида тўсқинлик қилмаслиги шарт.

Волонтёр қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

**13-модда. Волонтёрларни мувофиқлаштирувчининг фаолияти**

Волонтёрларни мувофиқлаштирувчи волонтёрлик фаолияти ташкилотчиси томонидан ёхуд волонтёрлик дастурини ёки волонтёрлик акциясини амалга ошириш учун жавобгар бўлган волонтёрлик ташкилоти томонидан тайинланади ёхуд волонтёрлар гуруҳи таркибига кирувчи волонтёрлар томонидан улар орасидан сайланади.

Волонтёрларни мувофиқлаштирувчи волонтёрларга йўл-йўриқ кўрсатади, улар ўртасида ишни тақсимлайди, ҳар бир волонтёрнинг иш жойи ва иш ҳажмини белгилайди, ишнинг улар томонидан бажарилишини назорат қилади.

Волонтёрларни мувофиқлаштирувчи давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек волонтёрлар гуруҳлари билан ҳамкорлик қилади.

**14-модда. Волонтёрлик ташкилотининг фаолияти**

Волонтёрлик ташкилоти волонтёрлик дастурларини ишлаб чиқади ва амалга оширади ҳамда волонтёрлик фаолияти ташкилотчиси билан биргаликда ёки волонтёрларни жалб қилган ҳолда мустақил равишда волонтёрлик акцияларини ўтказади.

Волонтёрлик ташкилоти волонтёрларни мувофиқлаштирувчини тайинлайди, у ўз фаолиятини ушбу Қонуннинг 13-моддасига мувофиқ амалга оширади.

Волонтёрлик ташкилоти волонтёрларни ўқитиш учун таълим фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларни жалб этиш, махсус семинарлар, ишчи учрашувлар ва волонтёрларнинг учрашувларини ўтказиш ҳуқуқига эга.

Волонтёрлик ташкилоти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда волонтёрларни рағбатлантиришни амалга оширади, шунингдек энг кўп ўзини кўрсатган волонтёрларни рағбатлантириш ва (ёки) мукофотлаш учун номзодларни волонтёрлик фаолиятининг ташкилотчисига, шу жумладан волонтёрлик фаолиятининг ташкилотчиси бўлмаган давлат органларига белгиланган тартибда тақдим этади.

Волонтёрлик ташкилоти нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши шарт.

**15-модда. Волонтёрлик фаолияти ташкилотчисининг ваколатлари**

Волонтёрлик фаолиятининг ташкилотчиси:

волонтёрлик дастурлари амалга оширилишини ва волонтёрлик акциялари ўтказилишини ташкил этади;

волонтёрлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга ва рағбатлантиришга оид давлат дастурларининг амалга оширилишида иштирок этади;

волонтёрлик ташкилотига ва волонтёрга режалаштирилаётган ҳамда амалга оширилаётган волонтёрлик дастурлари ва волонтёрлик акциялари, улар иштирокчиларининг сони, акциялар ўтказиладиган жой ҳамда вақт, уларни ўтказишга доир талаблар тўғрисида ахборот тақдим этади, шу жумладан ўз расмий веб-сайтига жойлаштириш орқали ахборот тақдим этади;

волонтёрлик фаолиятини амалга ошириш чоғида волонтёрнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфсиз шарт-шароитлар яратади;

волонтёрлик ташкилотига ва волонтёрга тавсия тусидаги хатлар тақдим этади;

волонтёрга махсус кийим-бош беради ҳамда унинг ҳақиқий яшаш жойидан волонтёрлик акцияси ўтказилаётган жойга келиши ва у жойдан қайтиши учун йўл ҳақи, яшаш, овқатланиш, зарур якка тартибда ҳимояланиш воситаларини, ускуналарни сотиб олиш харажатларининг ва бошқа харажатларининг ўрнини қоплайди;

хавфли, зарарли ҳамда ноқулай омиллар билан боғлиқ ишларни бажаришга жалб қилинган волонтёрларнинг ҳаёти ва соғлиғини мажбурий тартибда суғурта қилишни амалга оширади.

**16-модда. Волонтёрлик шартномаси**

Волонтёрлик волонтёр ва волонтёрлик фаолиятининг ташкилотчиси ўртасида ушбу Қонуннинг қоидаларига риоя этган ҳолда ёзма шаклда тузилган шартнома асосида амалга оширилиши мумкин.

Волонтёрлик фаолиятининг ташкилотчиси, агар у волонтёрлик фаолияти билан ойига 20 соатдан кўпроқ банд бўлса, волонтёр билан волонтёрлик шартномасини тузиши шарт.

Волонтёрлик шартномаси икки нусхада расмийлаштирилади, улардан бири волонтёрлик фаолиятининг ташкилотчисида, иккинчиси эса волонтёрда сақланади.

**17-модда. Волонтёрлик шартномасининг мазмуни**

Волонтёрлик шартномаси қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

волонтёр волонтёрлик дастури, акцияси вақтида амалга ошириладиган фаолиятнинг тавсифи;

волонтёрлик фаолиятини амалга ошириш даври;

иш соатлари ва кунлари;

ишониб топширилган моддий қимматликларнинг қиймати кўрсатилган ҳолдаги тавсифи;

шартнома тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

волонтёрлик фаолиятининг ташкилотчиси томонидан бериладиган имтиёзлар;

белгилаб қўйиладиган касбий талаблар, ижтимоий кўникмалар, ривожланиш манфаатлари, зарур бўлганда, соғлиғининг ҳолатига доир талаблар;

тарафларнинг етказилган зарар учун жавобгарлиги;

шартномани бекор қилиш ва уни ҳақиқий эмас деб топиш шартлари.

Агар волонтёрлик шартномасини бажариш жараёнида волонтёрнинг зиммасига юклатилган мажбуриятларни амалга оширишни қийинлаштирадиган ҳолатлар тарафларга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра юзага келса, шартнома қайта кўриб чиқилади.

Агар волонтёрлик шартномасини бажариш жараёнида тарафларга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра шартномани бундан буён бажариш мумкин бўлмай қоладиган ҳолатлар юзага келса, шартнома тарафлардан бирининг ташаббусига кўра бекор қилинади.

Волонтёрлик шартномасини бир томонлама тартибда бекор қилиш, агар волонтёрлик шартномасида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, волонтёр томонидан ёки жалб этилган ташкилот томонидан бу ҳақда етти кун олдин дастлабки тарзда хабардор қилиш шарти билан ва сабабларни кўрсатиш мажбуриятларисиз амалга оширилади.

Якка тартибдаги меҳнат шартномасини ёки хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги фуқаролик-ҳуқуқий шартномасини ёхуд шу каби ҳар қандай бошқа шартномани тузишдан бош тортиш мақсадида волонтёрлик шартномасини тузиш тақиқланади.

**4-боб. Волонтёрлик фаолиятини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш**

**18-модда. Волонтёрлик фаолиятини рағбатлантириш чоралари**

Волонтёрлик фаолиятини илгари суриш ҳамда амалга ошириш борасидаги хизматларини эътироф этиш ва баҳолаш белгиси сифатида жисмоний ва юридик шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ мукофотланиши мумкин.

Давлат органлари волонтёрлик фаолияти билан шуғулланувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари билан биргаликда волонтёрлик фаолияти соҳасидаги хизматларни эътироф этиш бўйича турли фестиваллар ўтказиши мумкин.

**19-модда. Волонтёрлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва молиявий таъминлаш**

Волонтёрлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари хайрия ёрдами тарзида қуйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин:

моддий-техника таъминоти;

мулкий таъминот;

қўллаб-қувватлашнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа шакллари.

Волонтёрлик фаолиятининг молиявий таъминоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ўз маблағлари ёки жалб этилган маблағлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

**5-боб. Якунловчи қоидалар**

**20-модда. Волонтёрлик фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш**

Волонтёрлик фаолияти оммавий ахборот воситаларида, Интернет жаҳон ахборот тармоғида ёритилиши мумкин.

**21-модда. Низоларни ҳал этиш**

Волонтёрлик фаолиятини амалга ошириш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**22-модда. Волонтёрлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Волонтёрлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**23-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**24-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**25-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 2 декабрь
№ ЎРҚ—585

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ» УНИТАР КОРХОНАСИНИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ШАКЛИДА ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2. Белгилаб қўйилсинки:

**Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси давлат номидан** “Миллий банк” АЖнинг таъсисчиси ҳисобланади;

янги ташкил этилаётган “Миллий банк” АЖ устав капитали кейинчалик қонунда белгиланган тартибда оширилган ҳолда 1-иловага мувофиқ ҳажмда ва улушларда шакллантирилади;

“Миллий банк” АЖ қайта ташкил этилаётган Ўзмиллийбанкнинг **ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан, халқаро шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси** ҳисобланади.

3. Қуйидагилар “Миллий банк” АЖ фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

хорижий кредит линиялари, халқаро капитал бозоридаги ресурслар, хорижий инвесторлар маблағларини жалб қилиш орқали иқтисодиётнинг устувор секторларида **йирик инвестицион лойиҳаларни фаол равишда кредитлаш**;

хизмат кўрсатиш сифати ва тезкорлигини ошириш учун **инновацион молиявий маҳсулотларни жорий этиш**;

**кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига банк хизматларини**, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолият масалаларида молиявий маслаҳатлар бериш ва ахборот кўмагини кўрсатиш;

**аҳолига чакана банк хизматлари кўрсатишни ривожлантириш,** шу жумладан, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда банк хизматларининг янги турларини жорий этиш;

биринчи навбатда, миллий валютадаги узоқ муддатли маблағларни сафарбар қилиш ҳисобига **банк фаолиятини молиялаштириш манбаларини диверсификация қилиш**;

**савдо-экспорт молиялаштириш бизнеси маҳсулотларини ривожлантириш ва унинг географиясини кенгайтириш,** шунингдек, республиканинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш дастурларини қўллаб-қувватлаш, экспорт қилувчиларга консалтинг хизматларини тақдим этиш;

**корпоратив мижозларга инвестицион банкинг,** жумладан, ички ва ташқи бозорларда қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш **хизматларини кўрсатиш**.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

“Миллий банк” АЖ билан биргаликда икки ой муддатда **қайта ташкил этиладиган Ўзмиллийбанкнинг қарздор ва кредиторлари мажбуриятлари бўйича берилган давлат кафолатларини қайта расмийлаштирсин**;

**Кузатув кенгашининг асосий вазифалари ва функцияларини белгилаган ҳолда унинг таркибини** “Миллий банк” АЖнинг акциядорлар умумий йиғилишига тасдиқлаш учун киритсин.

5. Ўзмиллийбанк икки ой муддатда:

а) Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда, жумладан, қуйидагиларни:

**Ўзмиллийбанкни қайта ташкил этишга тайёрлаш бўйича комиссияни тузиш**;

тегишли топшириш далолатномасини тайёрлаб, **Ўзмиллийбанк активлари ва мажбуриятларини уларга нисбатан баҳолаш амалга оширилмаган ҳолда хатловдан ўтказиш**ни назарда тутувчи чора-тадбирлар амалга оширилишини;

б) **мол-мулкнинг мавжуд ҳужжатлари, лицензия ва рухсатномаларини қайта расмийлаштириш**ни;

в) МЧЖ “NBU INVEST GROUP” инвестиция компанияси негизида молиявий бозорларда, жумладан, банкнинг даромади чегарасида хўжалик субъектлари устав фондида (100 фоизгача) иштирок этиш орқали инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда иштирокини кенгайтиришни назарда тутган ҳолда **“NBU INVEST GROUP” акциядорлик жамиятини** ташкил этишни;

г) қуйидагиларни:

**“Миллий банк” АЖнинг ташкилий тузилмаси ва Устави**;

халқаро консультантларни жалб қилган ҳолда **“Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖнинг 2020 — 2023 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси** ишлаб чиқилиши ва акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқланишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки “Миллий банк” АЖ Уставининг белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Ўзмиллийбанкнинг:

а) **Ўзмиллийбанкнинг** хўжалик жамиятлари устав фондидаги акциялар ва улушлар шаклидаги **айрим асосий фаолият тури билан боғлиқ бўлмаган активларини** 2-иловага мувофиқ **Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига бериш**;

б) **Ўзмиллийбанк ва “NBU INVEST GROUP” АЖнинг** хўжалик жамиятлари устав фондидаги акциялар ва улушлар шаклидаги **бошқа асосий фаолият тури билан боғлиқ бўлмаган активларини**:

**баҳолаш нархини** 10 фоизга **босқичма-босқич камайтириш механизмини** қўллаб, бироқ улар бозор нархининг 50 фоизидан пасайтирмаган ҳолда ҳамда икки ой давомида ўтказилган савдолар натижасида инвесторлар томонидан қизиқиш бўлмаган тақдирда, уларнинг номинал қийматидан пасайтирмаган ҳолда;

**сотиб олиш тўловларини бирдан ёки бўлиб-бўлиб** (акциялардан ташқари) 7 йилгача сотиб олиш суммасининг қолдиғи учун фоиз ҳисобламасдан, шунингдек, сотиб олиш суммаси тўлиқ тўланмагунга қадар объектни тасарруфдан чиқариш ва учинчи шахсларга (тижорат банки — сотувчи бундан мустасно) гаровга (ипотека) бериш ҳуқуқисиз амалга ошириш орқали сотиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

8. Ўзмиллийбанк Кенгаши илгари захиралари яратилган ҳамда сўндириш манбалари мавжуд бўлмаган балансдан ташқари активларни белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги йиғимлар ундирилмасдан “Миллий банк” АЖнинг акциялари белгиланган тартибда чиқарилиши ва бирламчи чиқарилган акциялар давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 мартдаги “2017 — 2019 йиллар даврида деҳқон бозорларини реконструкция қилиш ва уларнинг ҳудудида замонавий савдо мажмуалари қуриш дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ–2853-сон қарорининг 9-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж. А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р. А. Ғуломов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 30 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

1. **Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги** (кейинги ўринларда — ЎзА) **республика ҳаётига оид ижтимоий-сиёсий ахборотларни тарқатувчи расмий ахборот агентлиги эканлиги** маълумот учун қабул қилинсин.

2. **ЎзАнинг асосий вазифалари ва фаолиятининг устувор йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин**:

юртимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид расмий маълумотларни излаш, олиш, қайта ишлаш ҳамда ахборот, ахборот-таҳлилий, таҳлилий-танқидий материаллар тайёрлаш ва тарқатиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари, расмий баёнотлари ва маърузаларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва Ҳукуматининг қарорлари ва уларнинг фаолиятига оид ахборотларни мунтазам ёритиб бориш;

республиканинг ички ва ташқи сиёсатини, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислоҳотларни, жамиятимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ўзгаришлар ва янгиланишларни тезкор ёритиш;

жамоатчиликнинг катта қизиқишини уйғотаётган воқеаларнинг моҳияти бўйича фуқароларда холис фикрни шакллантириш ҳамда маълумотлардан бузғунчи ва бошқа ғайриқонуний мақсадларда фойдаланиш имкониятини бартараф этиш учун аҳолини бундай ҳодисалар ҳақида ўз вақтида хабардор қилиб бориш;

ахборот хуружлари ва мафкуравий таҳдидларнинг олдини олишга қаратилган чораларни амалга оширишда давлат органлари ва уларнинг ахборот хизматлари билан узвий ҳамкорлик қилиш ва улардан тизимли равишда статистик, таҳлилий ва бошқа турдаги маълумотларни олиш;

бошқа оммавий ахборот воситалари, жисмоний ва юридик шахслар фойдаланиши учун юртимизнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, тарихий ва маданий ривожланишига оид маълумотлар (ахборот, фото ва видео материаллар) базасини шакллантириш;

ўқувчилар учун қулай ва қизиқарли шаклда Ўзбекистон халқининг ўзига хос маданияти, урф-одатлари, миллий қадриятлари, мамлакатнинг кўп йиллик тарихи ва илм-фан ривожига қўшган ҳиссасини намойиш этишга қаратилган ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш;

юртимизда юз бераётган ўзгаришларни дунёга кенг тарқатиш, жаҳонда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳақида мамлакатимиз аҳолисига тезкор ахборот етказиб бериш, хориждаги ахборот агентликлари ва бошқа оммавий ахборот воситалари, медиа-тузилмалар билан ҳамкорликни ривожлантириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, ЎзА ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг республика ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид янгиликлар бўйича фуқароларда холис фикрни шакллантириш, уларга ахборот-таҳлилий, шу жумладан, аудио ва видео ахборотлар етказиш имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида **ЎзА таркибида Медиа марказ ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин**.

**Қуйидагилар Медиа марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин**:

ахборот-таҳлилий ва мультимедиа материаллар, эшиттириш ва кўрсатувлар, воқеа жойидан онлайн репортажлар тайёрлаш, аудио ва видео материалларни қайта ишлаш, уларни ЎзАнинг веб-сайтига жойлаштириш ва оммавий ахборот воситаларига белгиланган тартибда етказиб бериш;

ахборотни қайта ишлаш ва тарқатишнинг замонавий усулларидан, жумладан, инфографика, моушн-графика, ижтимоий ролик, 360 форматидаги видео ва бошқалардан кенг фойдаланиш;

давлат органлари мутахассисларини жалб қилган ҳолда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва янгиланишлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиш.

4. **ЎзА ҳузурида унинг фаолиятини тизимли йўлга қўйиш ҳамда давлат органлари ва нодавлат ташкилотлар билан самарали ҳамкорликни ўрнатиш бўйича Маслаҳат кенгаши** (кейинги ўринларда — Маслаҳат кенгаши) тузилсин.

**Қуйидагилар Маслаҳат кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин**:

ЎзА фаолияти ҳақида кенг жамоатчилик фикрини таҳлил қилган ҳолда унинг самарадорлигини янада ошириш ҳамда агентликнинг ахборот маконидаги ўрни ва ролини кучайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ЎзА фаолиятининг ривожланиш даражасини ўрганиш, агентликка методик тавсиялар бериш, унинг ишида юзага келадиган муаммо ва камчиликларни бартараф этишга кўмаклашиш;

давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш режаларини белгилаш, тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишда амалий ёрдам кўрсатиш;

халқаро ва хорижий ахборот агентликлари, хорижий мамлакатлар оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик дастурларининг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишига кўмаклашиш ва улар ижросини мунтазам равишда муҳокама қилиб бориш.

5. Белгилаб қўйилсинки:

Маслаҳат кенгаши ўз фаолиятини жамоатчилик асосида олиб борадиган, доимий фаолият юритувчи **коллегиал орган ҳисобланади**;

Маслаҳат кенгашига ЎзА бош директори раҳбарлик қилади ҳамда унинг таркиби оммавий **ахборот воситалари соҳасидаги ташкилотлар раҳбарлари ва мутахассислари, шунингдек, мустақил экспертлардан** шакллантирилади;

Маслаҳат кенгаши таркибининг **учдан бир қисми ҳар 2 йилда** янгиланиб борилади.

ЎзА бош директори (А. Кўчимов) икки ҳафта муддатда Маслаҳат кенгаши таркибини тасдиқласин.

6. Қуйидагилар:

**Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ходимларининг умумий чекланган сони 155 нафар, шу жумладан, бошқарув ходимларининг сони 13 нафардан иборат бўлган тузилмаси** 1-иловага мувофиқ;

**Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Қорақалпоғистон ахборот агентлиги** (кейинги ўринларда — Қорақалпоғистон ахборот агентлиги) **ходимларининг умумий чекланган сони 13 нафар, шу жумладан, бошқарув ходимларининг сони 2 нафардан иборат бўлган тузилмаси** 2-иловага мувофиқ;

**ЎзА томонидан 2022 йил 31 декабрга қадар четдан олиб келинганда божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этиладиган техника воситалари рўйхати** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

ЎзА бош директори ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади;

ЎзА бош директори мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шарт-шароитларига кўра вазирга, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосари эса тегишлича вазирнинг биринчи ўринбосари ва вазир ўринбосарига тенглаштирилади;

Қорақалпоғистон ахборот агентлиги директори мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шарт-шароитларига кўра ЎзА бош директори ўринбосарига тенглаштирилади.

8. Қуйидагилар ЎзА ва Қорақалпоғистон ахборот агентлиги фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

ЎзА ва Қорақалпоғистон ахборот агентлигининг бюджетдан ташқари маблағлари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

9. ЎзА бош директорига:

а) ЎзА ва Қорақалпоғистон ахборот агентлиги тузилмаси штатлар сонига ходимларнинг белгиланган умумий чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш;

б) ЎзАнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан:

давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, илмий-тадқиқот муассасалари, етакчи халқаро ташкилотлар ва хорижий компанияларнинг юқори малакали ходимларини, шунингдек, маҳаллий ва хорижий мутахассисларни маслаҳатчи сифатида жалб этиш;

ижодий танловлар ўтказиш, танлов иштирокчи ва ғолибларини мукофотлаш, шунингдек, ЎзАнинг ходими бўлмаган фаол муаллифларни рағбатлантириш;

ЎзА моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, агентлик ходимларини моддий рағбатлантириш, шу жумладан, уларга устамалар тўлаш;

зарур ҳолларда, минтақавий мухбирлик пунктларида қўшимча штат бирликларини жорий этиш ҳуқуқи берилсин.

10. ЎзА:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишган ҳолда бир ой муддатда ЎзА ва Қорақалпоғистон ахборот агентлиги ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича разрядлари ва штатлар жадвалини тасдиқласин;

**2020 йил 1 майга қадар** муддатда фойдаланувчилар учун қулай, аудио ва видео ахборотларни тарқатиш, тарқатилаётган ахборотларни тижорат йўли билан юклаб олиш имкониятлари мавжуд бўлган **ЎзАнинг ахборот порталини** ишга туширсин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ЎзА билан биргаликда икки ой муддатда тегишлича:

Қорақалпоғистон ахборот агентлигини жойлаштириш учун бино ажратиш ва уни Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг қўшимча манбалари, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига таъмирлаш ва жиҳозлаш;

ЎзАнинг вилоятлардаги минтақавий мухбирлик пунктларини ташкил этиш учун вилоятлар марказларидан зарур шарт-шароитларга эга бинолардан текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жой ажратиш, уларни белгиланган тартибда таъмирлаш ва жиҳозлаш чораларини кўрсин.

12. ЎзА:

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда фармойишлари, вазирликлар ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳамда расмий статистик тўпламлари, шу жумладан, уларнинг электрон шакллари мажбурий равишда юборилувчи ташкилотлар рўйхатига;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 октябрдаги 336-сон қарори билан тасдиқланган Раҳбарлари ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхатига киритилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази, Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази, "Ижтимоий фикр" республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, "Тараққиёт стратегияси" маркази ва "Юксалиш" умуммиллий ҳаракатига мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнининг бориши ҳақидаги тадқиқот материалларини эълон қилиб бориш учун ЎзАга доимий равишда тақдим қилиб бориш тавсия этилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ЎзАга жаҳондаги етакчи ахборот агентликлари ва халқаро ахборот агентликлари уюшмалари билан ахборот алмашиш бўйича ҳамкорлик ўрнатишда амалий ёрдам кўрсатсин.

15. ЎзА Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда илғор халқаро тажрибани ўрганган ҳолда ЎзАнинг ижодий ва техник ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини бозор тамойиллари асосида такомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу қарорни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни 2019 йилда ижтимоий соҳа бўйича тасдиқланган бюджет параметрлари доирасида ажратсин, 2020 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ушбу қарор мазмунидан келиб чиққан ҳолда бир ой муддатда ЎзА тўғрисидаги янгиланган низомни тасдиқласин.

18. ЎзА манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари ўринбосари Ф. Ш. Маҳмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 2 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ КОРХОНАЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ СОҒЛОМЛАШТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

1. Қуйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "2018 — 2022 йилларда иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги ПҚ–2912-сон қарорига мувофиқ истеъмолчиларга иссиқлик энергияси узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш ва унинг сифатини ошириш, ишлаб чиқариш жараёнига инновацион ва ресурс тежовчи технологияларни, шунингдек, ушбу соҳадаги бошқарувнинг самарали бозор механизмларини жорий этишга қаратилган **2018 — 2022 йилларда иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш дастури** амалга оширилмоқда;

Жаҳон банки иштирокида марказий қозонхоналар, иситиш тизимлари ҳамда тармоқларини модернизация ва реконструкция қилишни, уйлар ва квартиралар ички иссиқлик таъминоти тизимларини ёпиқ иссиқлик таъминоти тизимига ўтказган ҳолда тиклашни назарда тутувчи умумий қиймати **220,7 миллион АҚШ доллари** бўлган **"Андижон, Чирчиқ, Бухоро, Самарқанд ва Тошкент (ТЦ-8) шаҳарларида марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимини реконструкция қилиш ва энергия самарадорлигини ошириш"** лойиҳаси амалга оширилмоқда;

Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги билан биргаликда иссиқлик манбаларининг иситиш ускуналарини когенерацион газ турбинаси технологиясини жорий этган ҳолда реконструкция қилишни, шунингдек, магистраль ва тақсимловчи иссиқлик тармоқларини алмаштиришни назарда тутувчи ҳисоб-китоб қиймати **780,4 миллион АҚШ доллари** бўлган **"Бухоро, Фарғона, Қувасой, Нукус ва Урганч шаҳарларида марказий қозонхоналарни модернизация ва реконструкция қилиш"** лойиҳасини амалга ошириш масаласи кўриб чиқилмоқда.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) **2020-2021 йиллар иситиш мавсумидан бошлаб** марказлаштирилган иссиқлик таъминоти хизматлари учун истеъмолчилар билан ҳисоб-китоблар **иситиш даврининг ҳар бир кунига 1 квадрат метр иситиладиган майдон ҳисобида тўлаш тизимига ўтказилади**;

б) **2020 йил 1 январдан** бошлаб:

истеъмолчилар учун иссиқлик таъминоти хизматларига тарифларни шакллантириш ва белгилашда ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш ҳамда иссиқлик таъминоти тармоқларидаги йўқотишларни қисқартириш ҳисобига иссиқлик таъминоти тизимини **ривожлантириш ва модернизация қилиш харажатлари** ҳисобга олинади, шунингдек, кўрсатилаётган хизматлар **таннархини қоплаш механизмларини босқичма-босқич жорий этиш** назарда тутилади;

аҳоли учун иссиқлик энергияси ва иссиқ сувга **пасайтирилган тарифларни қўллаш натижасида кўриладиган зарарлар Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ҳисобидан** қопланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг 2020 йилги параметрларини шакллантиришда аҳоли учун иссиқлик энергияси ва иссиқ сувга пасайтирилган тарифларни қўллаш натижасида кўриладиган зарарларни қоплаш учун 1-иловага мувофиқ зарур маблағларни назарда тутсин;

иссиқлик таъминоти соҳасига ажратилаётган бюджет маблағларининг мақсадли ва оқилона ишлатилишини таъминлаш юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари томонидан тегишли йил учун тадбирлар режаси ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши бўйича чоралар кўрсин.

3. Белгилансинки, иссиқлик таъминоти хизматларини кўрсатиш соҳасида:

а) Ўзбекистон Республикаси **Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда қуйидагилар учун жавобгардир:

иссиқлик таъминоти корхоналари томонидан хизматлар тузиладиган шартномаларга мувофиқ кўрсатилишини, шунингдек, **истеъмолчиларга иссиқлик энергияси ва иссиқ сув узлуксиз етказиб берилишини** таъминлаш;

иссиқлик энергияси ва иссиқ сув учун тўловларнинг квартиралар ички ҳисобга олиш ускуналари кўрсаткичлари, истеъмолнинг норматив ҳажмлари ва квартиранинг иситиладиган майдони ўлчами асосида **ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини таъминлашни**, шунингдек, истеъмолчиларнинг қарздорлиги камайтирилишини **назорат қилиш**;

иссиқлик таъминоти корхоналари томонидан кўрсатиладиган хизматлар ҳажмлари ҳақидаги **ҳисобот ва ахборотлар**, дебитор ва кредитор қарздорлик тўғрисидаги маълумотларнинг **ҳаққонийлиги**, шунингдек, иссиқлик энергияси ҳамда иссиқ сувни назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш;

иссиқлик таъминоти тизими объектларининг **ҳолати, фойдаланилиши ва уларга таъмирлаш хизмати кўрсатилиши устидан назоратни таъминлаш**;

**иссиқлик энергияси ва иссиқ сувни ҳисобга олиш ускуналарининг алмаштирилиши ва ўрнатилишини**, шунингдек, иссиқлик таъминоти корхоналари томонидан уларнинг пломбаланишини **ташкил этиш**;

иссиқлик энергияси ва иссиқ сувдан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини **аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш**;

б) **Тошкент шаҳар ҳокимлиги** ушбу банднинг "а" кичик бандида назарда тутилган тадбирларнинг Тошкент шаҳрида амалга оширилиши учун жавобгардир.

4. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг:

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг марказий аппарати тузилмасида Иссиқлик таъминоти тизимларидан фойдаланиш бошқармасини тугатган ҳолда, иссиқлик таъминоти тизимларини комплекс ривожлантириш ва модернизация қилиш, шунингдек, уларнинг объектларидан ишончли ва самарали фойдаланишни таъминлаш учун масъул бўлган **Иссиқлик таъминоти тизимларини комплекс ривожлантириш бошқармаси** ҳамда **Иссиқлик таъминоти тизимларини сақлаш ва улардан фойдаланиш бошқармасини** ташкил этиш;

ресурс тежовчи замонавий технологияларни, шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичларида иссиқлик энергияси ва иссиқ сувни ишлаб чиқариш ҳамда истеъмол қилишни ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этишни инобатга олган ҳолда, **марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимини 2019 — 2024 йилларда босқичма-босқич ёпиқ тизимга ўтказиш**;

**аҳолига иссиқлик энергияси ва иссиқ сувни иссиқлик таъминоти корхоналари, истеъмолчилар ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ёки профессионал бошқарув компаниялари ўртасида тузиладиган уч томонлама шартномалар асосида**, кўп квартирали уйлар бевосита мулкдорлар томонидан бошқарилган тақдирда эса икки томонлама шартномалар асосида **етказиб бериш тартибини босқичма-босқич жорий этиш** тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

Белгилансинки, ушбу банднинг иккинчи хатбошисида кўрсатилган янгидан ташкил этилаётган бошқармаларнинг штат бирликлари сони Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тизими бошқарув ходимларининг **белгиланган умумий сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида шакллантирилади**.

5. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда ишлаб чиқилган **2019 — 2022 йилларда республиканинг иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси"** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Масъул вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига ушбу бандда назарда тутилган "Йўл харитаси"га киритилган чора-тадбирларни ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга ошириш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

7. **Республиканинг иссиқлик таъминоти тизимини ислоҳ қилишга кўмаклашиш бўйича ишчи гуруҳ** 4-иловага мувофиқ таркибда тузилсин ва унга қуйидаги вазифалар юклатилсин:

иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ва етказиш **сарф-харажатларини камайтириш**, магистраль ва уйларнинг ички иссиқлик таъминоти тармоқларида **мавжуд йўқотишларни қисқартириш** бўйича амалий чора-тадбирларни ташкил этиш;

**иссиқлик таъминоти соҳасига замонавий технологиялар ва бошқарув усуллари**, жумладан, иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш, тақсимлаш ҳамда унинг истеъмолини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизими **фаол жорий этилишини таъминлаш**;

иссиқлик таъминоти соҳасида **давлат тариф сиёсатини такомиллаштириш**, шунингдек, **инвестициявий жозибадорликни ошириш** бўйича ҳар томонлама таҳлил ўтказиш ва таклифлар ишлаб чиқиш;

иссиқлик таъминоти соҳасидаги **истиқболли инвестиция лойиҳаларини**, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини **тайёрлаш, кўриб чиқиш ва амалга оширишга кўмаклашиш**;

"Йўл харитаси"да назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилишини **тизимли мониторинг қилиш**;

мазкур қарорда назарда тутилган **вазифалар амалга оширилишининг ҳолати тўғрисида ҳар чоракда** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига **ахборот киритиб бориш**.

Ишчи гуруҳ (Б. А. Хўжаев) **бир ой муддатда** мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш бўйича **батафсил амалий тадбирлар режаси** ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкил этсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги:

а) Молия вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги билан биргаликда 2020 — 2022 йилларда Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантиришда 5 ва 5а — 5н-иловаларга мувофиқ **ҳудудларнинг иссиқлик таъминоти тизимларини ривожлантириш бўйича манзилли дастурларга** киритилган, **ушбу йилларга режалаштирилган лойиҳаларни молиялаштириш учун бюджет маблағларини** назарда тутсин;

б) Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда**:

**иссиқликни сақловчи, шу жумладан, пенополиуретандан тайёрланган полимер изоляцияли** ва ҳимоя қобиғига ўралган, каналсиз ётқизиш имконини берувчи қувурлар, шунингдек, **индивидуал иссиқлик пунктлари** ва уларнинг бутловчи буюмларини ишлаб чиқариш соҳасида саноат тармоқлари ўртасидаги ўзаро кооперацияни кенгайтириш бўйича мавжуд салоҳиятни ўргансин;

мавжуд хом ашё ресурсларини инобатга олган ҳолда, маҳаллийлаштирилиши лозим бўлган, **иссиқлик таъминоти соҳасида фойдаланиладиган маҳсулотлар рўйхатини** шакллантирсин ҳамда 2020 — 2022 йилларда уларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва қувватларини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар дастурини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда:

2020-2021 йилларда 5 ва 5а — 5н-иловаларга мувофиқ **ҳудудларнинг иссиқлик таъминоти тизимларини ривожлантириш бўйича манзилли дастурларга** киритилган **истиқболли лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш** чораларини кўрсин;

ушбу лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асослари ишлаб чиқилишига қараб, уларни амалга ошириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағларини жалб қилиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиб борсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги билан биргаликда **бир ой муддатда 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб**:

**Тошкент давлат техника университетида** (**Тошкент қурилиш-коммунал касб-ҳунар коллежи** негизида) — иссиқлик таъминоти соҳасида **талаб юқори бўлган мутахассисларни** (иссиқлик техникаси муҳандиси, муҳандис-метролог, энергия аудити муҳандиси, муҳандис-иқтисодчи) **тизимли ўқитиш ва тайёрлашни**;

соҳага оид таълим муассасаларида — замонавий ва инновацион ўқитиш усулларини қўллаган ҳолда, иссиқлик таъминоти объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, бошқариш ва улардан фойдаланиш соҳасида мутахассисларни касбга қайта тайёрлаш бўйича **доимий ишлайдиган қисқа муддатли (3 ойдан 12 ойгача) курсларни** ташкил этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р. А. Гулямов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 2 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**2020 — 2022 йиллар учун Тошкент шаҳри иссиқлик таъминоти тизими самарадорлигининг асосий мақсадли индикаторлари** (кейинги ўринларда — Мақсадли индикаторлар) 1 ва 1а-иловаларга мувофиқ;

**2019 — 2021 йилларда Тошкент шаҳри иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар режаси** (кейинги ўринларда — Қўшимча чора-тадбирлар режаси) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Тошкент шаҳар ҳокими, масъул вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига Қўшимча чора-тадбирлар режасига киритилган чора-тадбирларни ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга ошириш, шунингдек, асосий мақсадли индикаторларни ўз ваколатлари доирасида бажариш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) Тошкент шаҳар ҳокими Тошкент шаҳри иссиқлик таъминоти тизимини бошқариш фаолиятига умумий раҳбарлик қилади ва унинг лозим даражада ишлаши учун шахсан жавобгар ҳисобланади;

б) Тошкент шаҳар туманлари ҳокимлари тегишли ҳудудда иссиқлик таъминоти хизматларини кўрсатиш соҳасида қуйидагилар учун шахсан жавобгар ҳисобланади:

иссиқлик таъминоти корхоналари томонидан хизматлар тузиладиган шартномаларга мувофиқ кўрсатилишини, шунингдек, **истеъмолчиларга иссиқлик энергияси ва иссиқ сув узлуксиз етказиб берилишини** таъминлаш;

иссиқлик энергияси ва иссиқ сув учун тўловларнинг квартиралар ички ҳисобга олиш ускуналари кўрсаткичлари, истеъмолнинг норматив ҳажмлари ва квартиранинг иситиладиган майдони ўлчами асосида **ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини таъминлашга**, шунингдек, истеъмолчиларнинг қарздорлиги камайтирилишига **кўмаклашиш**;

иссиқлик таъминоти тизими объектларининг **ҳолати, фойдаланилиши ва уларга таъмирлаш хизмати кўрсатилиши устидан назоратни таъминлаш**;

**иссиқлик энергияси ва иссиқ сувни ҳисобга олиш ускуналарининг алмаштирилиши ва ўрнатилишини**, шунингдек, иссиқлик таъминоти корхоналари томонидан уларнинг пломбаланишини **ташкил этиш**;

иссиқлик энергияси ва иссиқ сувдан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини **аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш**;

в) **Тошкент шаҳар туманлари ҳокимларининг иссиқлик таъминоти тизимини бошқариш соҳасидаги фаолияти самарадорлиги** тегишли ҳудудда мақсадли индикаторларнинг бажарилиши ҳолати ва кўрсатилаётган хизматлар сифатидан келиб чиққан ҳолда Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан **йилига камида икки маротаба баҳоланади**, шунингдек, масъул шахсларга нисбатан белгиланган тартибда рағбатлантириш ёки жавобгарликка тортиш чоралари кўрилади.

4. Белгилансинки, **2021 йил 1 январдан бошлаб иссиқлик қувурларини реконструкция қилишда мажбурий тартибда иссиқликни сақловчи, шу жумладан, пенополиуретандан тайёрланган полимер изоляцияли** ва ҳимоя қобиғига ўралган, каналсиз ётқизиш имконини берувчи қувурлар ишлатилади.

5. **2019 — 2022 йилларда Тошкент шаҳри иссиқлик таъминоти тизимини ислоҳ қилишга кўмаклашиш бўйича ишчи гуруҳ** 3-иловага мувофиқ таркибда тузилсин ва унга қуйидаги вазифалар юклатилсин:

иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ва етказиш **сарф-харажатларини камайтириш**, магистраль ва уйларнинг ички иссиқлик таъминоти тармоқларида **мавжуд йўқотишларни қисқартириш** бўйича амалий чора-тадбирларни ташкил этиш;

**иссиқлик таъминоти соҳасига замонавий технологиялар ва бошқарув усуллари**, жумладан, иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш, тақсимлаш ҳамда унинг истеъмолини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизими **фаол жорий этилишини таъминлаш**;

иссиқлик таъминоти соҳасида **давлат тариф сиёсатини такомиллаштириш**, шунингдек, **инвестициявий жозибадорликни ошириш** бўйича ҳар томонлама таҳлил ўтказиш ва таклифлар ишлаб чиқиш;

иссиқлик таъминоти соҳасидаги **истиқболли инвестиция лойиҳаларини**, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини **тайёрлаш, кўриб чиқиш ва амалга оширишга кўмаклашиш**;

Қўшимча чора-тадбирлар режасида назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилишини **тизимли мониторинг қилиш**;

мазкур қарорда назарда тутилган **вазифалар амалга оширилишининг ҳолати тўғрисида ҳар чоракда** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига **ахборот киритиб бориш**.

Ишчи гуруҳ (А. Ж. Раматов) **бир ой муддатда** мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш бўйича **батафсил амалий тадбирлар режаси** ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкил этсин.

6. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига Кенгаш ва унинг доимий комиссиялари иш режаларини ишлаб чиқишда **йилига камида икки маротаба**:

иссиқлик таъминоти соҳасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини, шу жумладан, аҳоли билан мулоқот қилиш орқали танқидий ўрганиш бўйича **назорат-таҳлил тадбирларини ўтказишни**;

**ижро этувчи ҳокимият органлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларининг** иссиқлик таъминоти тизимини бошқариш соҳасидаги ишларнинг ҳолати, шунингдек, аҳолини иссиқлик энергияси ва иссиқ сув билан таъминлаш сифати тўғрисидаги **ахборотини эшитишни** назарда тутиш тавсия этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Энергетика вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда **икки ой муддатда** ҳар томонлама таҳлил асосида:

иссиқлик тармоқларидаги йўқотишларни камайтириш, энергия ресурсларидан нооқилона фойдаланишга барҳам бериш ҳамда иссиқлик таъминоти тизимини бошқариш соҳасидаги бошқа миқдор ва сифат кўрсаткичларини назарда тутувчи **2030 йил учун Тошкент шаҳри иссиқлик таъминоти тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича мақсадли мўлжалларни**;

жойларда электр ва иссиқлик энергиясини **комбинациялланган тарзда ишлаб чиқариш (когенерация) технологияларини** жорий этишни ҳамда улардан фойдаланишни кенгайтириш бўйича таклифларни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда**:

**замонавий ва инновацион ресурс тежовчи технологиялардан фойдаланишни кенгайтиришни** инобатга олган ҳолда иссиқлик сақлайдиган қурилиш материаллари ишлаб чиқариш стандартларини қайта кўриб чиқиш;

кўп квартирали уйларни қуришда **иссиқликни сақлаш даражасини баҳолаш тизимини такомиллаштириш** чораларини кўрсин.

9. Тошкент шаҳар ҳокимлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **бир ой муддатда** истеъмолчиларнинг юкламалари ва иссиқлик энергияси манбаларининг қувватлари балансини хатловдан ўтказиш асосида **ортиқча қувватларни мақбуллаштириш** чораларини кўрсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А. Ж. Раматов ва Тошкент шаҳар ҳокими Ж. О. Ортиқхўжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 2 декабрь

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида

# АХБОРОТ

***2019 йил 30 ноябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма тўртинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.***

Унда ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Сенаторлар дастлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2019 йилги харажатларига ўзгартиш киритиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилдилар.

Қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини ижро этиш жараёнида айрим соҳалар бўйича харажатлар кўпайди, шу муносабат билан қўшимча маблағлар йўналтирилди. Бу йўналишлардаги харажатлар 10 фоиздан ортиққа ошиши, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаб туриш учун харажатлар 12,3 фоиз камайиши кутилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг белгиланган тартибда Сенат кўриб чиқиши учун киритилган тақдимномасига мувофиқ тегишли йўналишлар бўйича 2019 йил учун тасдиқланган Давлат бюджети параметрларини 11676,3 миллиард сўмга ошириш ва 95,2 миллиард сўмга камайтириш сўралган. Масала парламент аъзолари томонидан маъқулланди, Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан кейин парламент аъзолари Самарқанд вилоятининг Самарқанд шаҳри ва Самарқанд тумани чегараларини ўзгартириш тўғрисида, Сурхондарё вилояти таркибида Бандихон туманини ташкил этиш ҳамда Қизириқ, Бойсун ва Қумқўрғон туманлари чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқдилар.

Сўнгра сенаторлар Давлат божхона хизмати органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолати ва Тошкент вилоятидаги чегара божхона постлари фаолиятини ўрганиш натижаси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар. Давлат божхона хизмати органларида қонун ҳужжатлари ижроси ҳолатини ўрганишда қатор муаммоли масалалар аниқланганлиги, шу туфайли мазкур парламент сўровини юбориш зарурати юзага келганлиги таъкидланди. Мазкур масала юзасидан Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Сенаторлар арзон уй-жойлар қуриш жараёнидаги, шунингдек, аҳолини табиий газ ва электр энергияси билан таъминлаш жараёнидаги муаммолар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига парламент сўровлари юборилишини маъқулладилар.

Олий Мажлис Сенати аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқдилар.

Ялпи мажлисда парламент юқори палатасининг ваколатига кирувчи бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Барча муҳокама этилган масалалар юзасидан Сенатнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Олий Мажлис Сенатининг йигирма тўртинчи ялпи мажлисида 19 масала, шу жумладан, 10 қонун кўриб чиқилди. Сенаторлар томонидан маъқулланган Ўзбекистон Республикаси қонунлари давлат ва жамият қурилишининг барча соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини янада мустаҳкамлашга, шунингдек, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилганлиги таъкидланди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг
ҚАРОРИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 3-бандига ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни 9-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қуйидагилар:

Шухрат Рахматович **Аббасов** ўн йил муддатга;

Рахматилла Салайдинович **Орзиқулов** ўн йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимига сайлансин.

2. Қуйидагилар:

Мукаддас Зиядуллаевна **Гуламова**;

Хамра Жахангирович **Бердикличев** Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимидан озод этилсин.

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси** **Т. НАРБАЕВА**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 30 ноябрь

# ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ — УСТУВОР ВАЗИФА

*Олий Мажлис Сенатининг йигирма тўртинчи ялпи мажлисида сенаторлар мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий истиқболига оид кўплаб янги қонунларни маъқуллаш билан бирга, шу кеча-кундузда фуқароларимизни ўйлантираётган долзарб масалалар юзасидан Ҳукуматга тегишли парламент сўровларини ҳам юборишди. Айниқса, юртимиз тарихида давлат Бош молиявий ҳужжатининг алоҳида қонун сифатида қабул қилиниши унинг ижроси билан боғлиқ масъулиятни янада оширишга хизмат қилиши кутилмоқда.*

*Ялпи мажлис доирасида кўрилган қонунлар ва бошқа масалалар хусусида сенаторлар мухбиримизга қуйидагиларни маълум қилди.*

**Ўктам БАРНОЕВ,**
**Бухоро вилояти ҳокими, сенатор:**

— Президентимиз жорий йилнинг 22 ноябрь куни аҳолини уй-жой билан таъминлаш масалаларига бағишланган йиғилишда бугунги кунда давлат органлари билан фуқаролар ўртасида самарали мулоқотни қандай шакллантириш, фуқароларни безовта қилаётган муаммоларни жамият муҳокамасига чиқаришда оммавий ахборот воситаларининг роли тўғрисида ўз фикрларини баён қилиб, қатор вазифаларни белгилаб берган эди. Бу ҳақда ялпи мажлис давомида ҳам алоҳида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Зиммамиздаги вазифалар хусусида сўз юритилди.

Биринчи энг муҳим вазифа, бу — матбуотга янгича кўз ва фикр билан қараш. Иккинчидан, бугун мамлакатда эркин ва мустақил фаолият юритаётган матбуот томонидан давлат органлари айрим раҳбарларининг хатти-ҳаракатини танқид остига олиш нормал амалиётга айланиши зарур. Барча даражадаги раҳбарлар ОАВда ёритилаётган мавжуд муаммоларга зудлик билан самарали ва қонуний муносабат билдиришлари лозим.

Юртбошимизнинг қуйидаги сўзларига эътибор қаратинг-а: "Агар ҳар бир раҳбар, биринчи навбатда, ўз виждони, унга ишонч билдирган халқи олдида ўзининг масъулиятини ҳис қилса, агар ўз фаолиятида тиришқоқлик ва вазминлик, талабчанлик ва билимдонликни бирлаштира олса, у халқнинг самимий муҳаббати ва ишончини қозона олади".

Бу фикрлар доимо ҳар биримизнинг ёдимизда туриши керак.

**Гавҳар АЛИМОВА,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси:**

— Кўпчилигимиз касаба уюшмаси ҳақида гапирганимизда, энг аввало, ходимнинг ҳуқуқ ва манфаатини ҳимоя қилувчи ташкилот эмас, балки санаторий ёки курортга дам олишга йўлланма берувчи тузилма сифатида эслаймиз.

Келаётган мурожаатлар ҳамда интернетда тарқалган хабарлар орқали таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда ходимларнинг ҳуқуқлари бузилаётганлигини кўришимиз мумкин.

Масалан, сўнгги уч йилда шошилинч ва тез тиббий ёрдам тизимида шифокорларга беморларнинг яқинлари ва қариндошлари томонидан 266 марта зўравонлик қилиш, уларга тан жароҳати етказиш каби ноқонуний ҳаракатлар содир этилган. Бундай мисолларни халқ таълими тизимидан ҳам келтириш мумкин. Бу нимадан далолат беради?

Демак, ўша ерда касаба уюшмаси ишламаяпти. Ўзига юклатилган вазифани бажармаяпти. Ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинмаяпти.

Ўйлаймизки, ялпи мажлисда сенаторлар томонидан маъқулланган "Касаба уюшмалари тўғрисида"ги қонун келгусида бу каби муаммоларни бартараф этиш, халқнинг чинакам ишончини қозонишга хизмат қилади.

**Қобил ТУРСУНОВ,**
**Навоий вилояти ҳокими, сенатор:**

— "Тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун билан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тугатишдаги бир қатор ортиқча тартиблар бекор қилиниб, жараён бугунги кун талаби асосида соддалаштирилмоқда.

Хусусан, молия-хўжалик фаолияти амалга оширилмагани сабабли белгиланган тартибда ҳаракатсиз режимга ўтказилган ва уч йил ичида фаолияти тикланмаган жамиятларни тугатишда тугатувчи тайинланмаслиги белгиланяпти.

Демак, давлат улуши бўлган жамиятларни тугатишда тугатиш комиссиясининг тайинланиши ва унинг таркибига давлат мулкини тасарруф этишга ваколатли орган вакилининг киритилиши назарда тутилади.

Қонун билан жорий этилаётган ўзгаришлар юртимизда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини кафолатлаш, бу борада мавжуд тизимни такомиллаштириш, инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қўшимча имконият яратади.

**Мунисхон КАРИМОВА**
**(«Халқ сўзи») ёзиб олди.**

# КУЗАТУВЧИЛАРГА ТЕГИШЛИ НАМУНАДАГИ МАНДАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

*Сайловни кузатиш ва мониторинг қилиш мақсадида мамлакатимизга ташриф буюрган МДҲ Парламентлараро Ассамблеяси (МДҲ ПА) халқаро кузатувчилари Марказий сайлов комиссияси раҳбарлари билан учрашди.*

Узоқ муддатли кузатувчилар миссиясига МДҲ ПА иштирокчи-давлатларнинг Демократияни ривожлантириш, парламентаризм ва фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларига риоя этишини мониторинг қилиш халқаро институти директори вазифасини бажарувчиси Екатерина Голоулина бошчилик қилмоқда.

МСК Раиси М. Абдусаломов МДҲнинг Парламентлараро Ассамблеясидан халқаро кузатувчилар миссияси вакилларига жорий йил бўлиб ўтадиган парламент сайловлари "Янги Ўзбекистон. Янги сайловлар" шиори остида ташкил этилаётгани, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан маълумот берди.

Учрашувда бу галги сайловларнинг очиқ ва шаффоф, халқаро нормаларга мувофиқ ўтишига ишонч билдирилди. Якунда меҳмонларга сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналари ва овозларни санаб чиқишда қатнашиш ҳуқуқини берадиган тегишли намунадаги мандатлар топширилди.

Шунингдек, Олий Мажлис Сенатида МДҲ ПА иштирокчи-давлатларнинг Демократияни ривожлантириш, парламентаризм ва фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларига риоя этишини мониторинг қилиш халқаро институти директори вазифасини бажарувчиси Е. Голоулина билан учрашув бўлиб ўтди. Унда парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ЯШИЛ, САРИҚ ВА ҚИЗИЛ ЙЎЛАКЛАР

## солиқ тўловчи учун нимани англатади?

***Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қўмиталари, сиёсий партиялар фракциялари томонидан янги таҳрирдаги Солиқ кодекси лойиҳаси юзасидан муҳокамалар қизғин давом эттирилмоқда.***

Аввал хабар берилганидек, парламент қуйи палатасининг мажлисида депутатлар мазкур қонун лойиҳасини концептуал жиҳатдан биринчи ўқишда маъқуллаган, сиёсий партиялар фракциялари ўз позициясини баён этган ҳамда депутатлар томонидан кўплаб саволлар ва муносабатлар билдирилган эди.

Қуйи палатанинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси ҳамда Давлат бюджети бошқармаси олдига Ҳукумат билан биргаликда лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида депутатлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳаза, таклифлар асосида, мутахассислар ва экспертлар иштирокида ҳар тарафлама муҳокама қилиб, маромига етказиш вазифаси қўйилганди.

Шунга кўра, янги таҳрирдаги Солиқ кодекси лойиҳасида тадбиркорлик субъектларига қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида пулли ёки бепул асосда, коллегиал органлар (Комиссиялар) иштирокисиз солиқларни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини тақдим этишнинг янги шаффоф механизми жорий этилмоқда.

Шунингдек, лойиҳага солиқ тўловчилар учун таҳлика-таҳлил асосида солиқ назоратининг янги тартиби ҳам (камерал текширув, сайёр текширув, солиқ аудити) таклиф қилиняпти.

Таҳлика-таҳлил дастури фаолият кўрсатаётган барча хўжалик субъектини муайян мезонлар асосида, хавфлилик даражасига қараб, инсон омилисиз, автоматлаштирилган ҳолда 3 та сегментга (**яшил йўлак, сариқ йўлак, қизил йўлак**) ажратади.

Ушбу дастур жаҳондаги кўплаб давлатлар, масалан, Канада, Австралия, Янги Зеландия, Россия Федерациясида кенг қўлланиб келинаётир.

Хавфлилик даражаси паст бўлган (яшил йўлак) корхоналарга нисбатан ҳеч қачон солиқ текширувлари амалга оширилмайди ва ушбу корхоналарга юқори даражадаги солиқ хизматлари кўрсатилади.

Хавфлилик даражаси ўртача бўлган (сариқ йўлак) корхоналарга нисбатан фақат камерал солиқ текшируви амалга оширилади ва ушбу корхоналарга хато-камчиликларини бартараф этиш бўйича ҳисоботини тузатиш имкони берилади ҳамда уларга нисбатан молиявий ва маъмурий жарималар қўлланилмайди.

Солиқларни тўлашдан бўйин товлаш, бухгалтерия ҳужжатларини ва ҳисобварақ-фактураларини сохталаштириш ҳолатлари аниқланган хавфлилик даражаси ўта юқори бўлган (қизил йўлак) корхоналарга нисбатан солиқ аудити текшируви тадбирлари амалга оширилади. Ўз-ўзидан аёнки, бундай корхоналар доимий назоратда бўлади.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

**«Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас».**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддаси.

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
Халқ сўзи
2019 йил 3 декабрь



# МАРКАЗИЙ ОСИЁДА МУТЛАҚО ЯНГИ ИЖОБИЙ СИЁСИЙ МУҲИТ

**Бизнинг минтақадаги ўзаро яқинлашувимиз ва ҳамкорликни кенгайтиришимиз — бу замон талаб қилаётган ва орқага қайтмайдиган жараён эканини таъкидламоқчиман. У қатъий сиёсий танловга асосланган бўлиб, чуқур тарихий омилларга эга ва кимнингдир манфаатларига қарши қаратилган эмас.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

**Маълумки, жорий йил 29 ноябрь куни Тошкентда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди.**

**Шу ўринда мазкур анжуман тарихига назар ташласак, Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу ҳақда илк бор Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минбаридан туриб айтган эди. Ўша йили ноябрь ойида Самарқандда БМТ шафелигида ўтказилган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзуидаги халқаро анжуманда Юртбошимиз Марказий Осиёга оид долзарб масалалар бўйича минтақа мамлакатларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, бунинг учун Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувларини мунтазам йўлга қўйишни таклиф этди.**

**Мазкур ташаббусни минтақадаги барча давлатлар ва халқаро ташкилотлар қўллаб-қувватлади. Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти — Элбоши Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан, биринчи Маслаҳат учрашуви 2018 йил 15 мартда Қозоғистонда бўлиб ўтди.**

**Давлатимиз раҳбари таклифининг амалий ифодаси сифатида 2018 йил 22 июнь куни БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Марказий Осиё бўйича махсус резолюция қабул қилингани минтақавий ҳамкорлик ривожига мустаҳкам замин яратадиган яна бир тарихий воқеа бўлди.**

**Айтиш жоизки, мамлакатимизда ўтказилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг иккинчи Маслаҳат учрашуви юртимиз ва хорижий жамоатчилик вакиллари, сиёсатшунослар, экспертлар диққат марказида бўлди. Махсус саҳифамизда улардан айримларининг интервьюлари билан танишасиз.**

### Факт ва рақамлар:

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан товар айирбошлаш ҳажми сўнгги йилларда **2 баробар**, қўшма корхоналар сони **4 марта** ўсди.

### Кенг эътироф этилган халқаро ташаббуслар

- БМТ Хавфсизлик Кенгашида Афғонистон бўйича музокараларнинг олиб борилгани;
- Марказий Осиёда радиация хавфсизлигини таъминлаш;
- “Барқарор ривожланиш учун сув” ҳаракатларининг халқаро ўн йиллиги;
- Энергетик хартиянинг Ашхобод декларацияси қабул қилингани;
- Марказий Осиё бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг резолюциялари қабул қилингани.

### Бугун муҳим ҳаётий саволларга биргаликда жавоб топишимиз керак

- Марказий Осиё қанчалик изчил ва барқарор ривожланади?
- Бизнинг мамлакатларимиз қандай янги хавф-хатар ва таҳдидларга дуч келиши мумкин?
- Биз, умумий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда, минтақавий ҳамкорлигимизни бундан кейин қандай олиб борамиз?

### Қисқа муддатда биргаликда реал тарзда олдинга силжишга эришилди

- Шериклар билан биргаликда чегараларимизда ҳуқуқий расмийлаштириш ишлари якунланяпти. 60 га яқин ўтиш пунктларининг тўлақонли фаолияти таъминланди, визалар бекор қилинди.
- Ишбилармонлик ва ҳудудлараро алоқалар, транспорт қатновлари, маданий-гуманитар алмашувлар кенгайиб бормоқда.
- Ўтган йили Ўзбекистонда биринчи Марказий Осиё иқтисодий форуми ҳамда мамлакатларимизнинг Бош вазирлари ўринбосарлари даражасида Ишчи гуруҳнинг дастлабки учрашуви бўлиб ўтди.
- Ўн йиллик танаффусдан сўнг 2018 йилда Туркманистонда Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг йиғилиши бўлиб ўтди.



**Абдулазиз КОМИЛОВ, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири:**

— Тошкентда бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви жуда катта аҳамиятга эга.

Авваламбор, шуни айтиб ўтиш керакки, Президентимиз бундан уч йил олдин ташқи сиёсатимизнинг асосий йўналишлари сифатида, биринчи навбатда, қўшни давлатлар билан дўстона алоқаларни ўрнатиш, ҳар соҳада ҳамкорлигимизни ривожлантириш бўйича сиёсатимизни белгилаб берди.

Мана шу охирги йилларда минтақада учрашувлар, маслаҳатлашувлар бўлмаганлиги сабабли кўплаб муаммолар тўпланиб қолганди. Улар кундан-кунга кескинлашиб борди. Мисол учун, чегаралар масаласи, минтақада сув муаммоси, йўл-транспорт коммуникациялари, хавфсизлик ва ҳатто азалдан давом этиб келган маданий-гуманитар алоқаларимиз ҳам тўхтаб қолди.

Мана, биз ҳаммамиз гувоҳ бўлдик. Ўтган йил Қозоғистоннинг Нур-Султон шаҳрида ва куни кеча пойтахтимизда Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари ана шундай ижобий-сиёсий муҳитда учрашишди. Бу Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг хизматларидир.

“Тошкент саммити” кун тартибида жуда мураккаб масалалар кўрилди, уларни ҳал қилишга келишиб олдик. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида энг асосий йўналишларни белгилаб берди. Биринчи навбатда, бу хавфсизлик йўналишидир. Минтақа етакчилари Афғонистон муаммоси атрофида жуда кўп фикр алмашишди. Шунингдек, иқтисодий, тижорий ҳамкорлик, транспорт коммуникациялари, маданий-гуманитар алоқаларга катта эътибор қаратилди.

Асосийси, минтақа давлатлари ҳар йили кўплаб тадбирларни ўтказишга келишиб олди. Чунки бизнинг тарихимиз бир, урф-одатларимиз жуда яқин. Жуда ажойиб цивилизациямиз, бой меросимиз бор. Бу жиҳатлар бугунги кунда бошқа соҳаларда ҳам муносабатларимизни янада ривожлантириш учун мустаҳкам асос бўлади.



**Содиқ САФОЕВ, Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари:**

— Кўплаб экспертлар, мутахассислар ҳаттоки шундай башорат қилаётган эдики, Марказий Осиё келажаги анча катта муаммолар билан боғлиқ. Сабаби бу ерда давлатлар ичида адоват, бир-бирига ишончсизлик, носоғлом рақобат кўринишлари мавжуд эди.

Қаранг, уч йил ўтди. Марказий Осиёда вазият батамом ўзгарди. Буни, албатта, барчамиз Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси ва фаолияти билан боғлашимиз керак. Бу бутун дунёда тан олинмоқда. Ўзбекистоннинг янги, янгиланган ташқи сиёсати Марказий Осиёдаги вазиятни батамом ўзгартиришга олиб келди. Ҳозир ўзаро ишонч, келишувга эришиш, муаммоларни биргаликда ечишга бўлган сиёсатни кўрмоқдамиз. Тошкентда бўлиб ўтган Маслаҳат учрашуви буни яна бир бор ёрқин намоён қилди.

Бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Тасаввур қилинг, Ўзбекистон Президенти уч йил мобайнида чегарадош бўлган давлатлар раҳбарлари билан қирққа яқин саммитлар ўтказди. Бу ниҳоятда катта иш. Чунки ҳар бир анжуманнинг ортида катта тайёргарлик ишлари, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш масалалари ётади.

Маслаҳатлашув учрашуви шуни кўрсатмоқдаки, бу — муҳим бир платформа. Яъни минтақадаги масалаларни ечиш бўйича тизим яратилмоқда.

**Грегори КУПЛИ, Стратегик тадқиқотлар халқаро уюшмаси президенти (АҚШ):**



— Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви нафақат беш давлат тараққиётининг устувор йўналишларини белгилаб олиш, балки стратегик тинчлик мувозанатини сақлаб қолишда ўта муҳим аҳамият касб этади. Биз минтақа ичида, биринчи навбатда, савдо-иқтисодий таянч воситалари орқали кооперация қайта тикланаётганига гувоҳ бўляпмиз. Бу Марказий Осиёни жаҳондаги жараёнларда муносиб минтақага айлантирмоқда. Расмий Тошкент, Нур-Султон, Бишкек, Душанбе ва Ашхободнинг яқинлашувидек жорий тенденция ўзаро савдони бир неча баробар ошириш ҳамда қўшни минтақаларни жалб этишга қодир.

Шунингдек, мамлакат бозорларини Ҳинд океани ҳавзасига олиб чиқиш имконини беради. Шу орқали Марказий Осиё маҳсулотлари учун барқарор халқаро логистика йўналишларини йўлга қўйиш мумкин.

Албатта, учрашув иштирокчилари Афғонистонда тинчлик ўрнатишдек минтақа хавфсизлиги билан боғлиқ ўткир масалага ҳам тўхталиб ўтишди. Вашингтон Тошкентнинг Кобул билан муносабатларини тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистонда минтақа етакчилари Саммитига бир кун қолганда АҚШ Президенти Дональд Трампнинг Афғонистонга ташрифи ҳам рамзий маънога эга.

Агар Афғонистонда вазият барқарорлашса, у ҳолда Марказий Осиё мамлакатларининг ташқи иқтисодий алоқалари сезиларли равишда ўсади. Афғонистон орқали Покистон денгиз портлари ва Ҳинд океани ҳавзаси давлатларига йўл очилади. Оқ уй раҳбарининг яқинда қўшни Афғонистонга ташрифи унинг ушбу мамлакатда тинчлик ўрнатишга тайёр эканлигини намоён этди.

Марказий Осиё мазкур минтақа халқлари учун катта иқтисодий ва ижтимоий фойда келтирадиган йирик бозорни ўзида ифодалайди. Ўйлашимча, Маслаҳат учрашувида ушбу беш давлат ўртасида бу борада мавжуд бўлган айрим чекловлар кучсизлантирилган. Ўз навбатида, ушбу мамлакатлар аҳолисининг минтақа ичида ҳаракатланиши осонлашади, бундай ҳолат Марказий Осиёда туризмни сезиларли даражада яхшилашга олиб келади. Қолаверса, бу давлатлар нафақат минтақа, балки бутун Евроосиё маконида иқтисодий салмоғини оширган ҳолда ўзаро фойдали савдо ҳамкорлигини йўлга қўя олишади.

**Ричард ХОГЛАНД, АҚШдаги Каспий сиёсати маркази етакчи таҳлил тузилмаси маслаҳатлашув кенгаши аъзоси, АҚШ Давлат котиби ёрдамчисининг собиқ биринчи ўринбосари** *(турли йилларда АҚШнинг Тожикистон, Туркманистон ва Қозоғистондаги дипломатик миссияларини бошқарган):*



— 2019 йил 29 ноябрь куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг иккинчи Маслаҳат учрашувидаги қўшма баёнот нафақат минтақа, балки бутун дунё олқишлайдиган яхши янгиликдир. Марказий Осиё инвестиция форуми ва Транспорт-коммуникациялар бўйича минтақавий кенгашнинг ташкил этилиши айнан бутун минтақани ривожлантиришга хизмат қилувчи форматлар эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Афғонистонда ўт очишни тўхтатишга чақириқ ва ушбу мамлакатда савдо ҳамда инфратузилма лойиҳаларини кенгайтириш режалари долзарб эканлигини алоҳида айтиб ўтишни истар эдим.

Марказий Осиё мамлакатларининг давлат раҳбарлари, ташқи ишлар вазирлари ва экспертлар даражасида мунтазам асосда мулоқотни давом эттириш йўлидаги қатъийлиги ҳам алоҳида таҳсинга лойиқ. Минтақанинг беш давлати вакиллари учрашиши, ўта муҳимдир. Бу Марказий Осиё ва АҚШнинг “С5+1”, ёки “5+Япония”, ёхуд “5+Корея” формати эмас. Марказий Осиёнинг фақат ўзигагина хос бўлган том маънодаги тимсолидир!

Бинобарин, Марказий Осиё лидерларини табриклайман. Ўйлашимча, бу минтақа учун ҳам, бутун дунё учун ҳам яхши ҳамда биз янги воқеаларни сабрсизлик билан кутиб қоламиз.



**Фредерик СТАРР, Жон Хопкинс университети қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институти раҳбари (АҚШ):**

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ҳамда келгусидаги ҳамкорлик, ўзаро мувофиқлаштириш ва қўллаб-қувватлаш йўлларини муҳокама қилиш мақсадида 2019 йил 29 ноябрь куни Тошкент шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари учрашгани ҳақидаги хабарни катта завқ билан кутиб олдим. Бу жуда муҳим воқеа. Сабаби у Марказий Осиё мамлакатларининг хавфсизлик, савдо, транспорт, маданий мерос, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини ўз ичига олган барча муҳим жабҳалардаги ўзаро алоқаларини қамраб олади.

Беш мамлакат Президентлари ўткир масалалар, жумладан, минтақада сув ресурсларидан фойдаланиш муаммоларини муҳокама қилиш имкониятига ҳам эга бўлишди. Ушбу давлатлар минтақада яхлит ҳолда ҳамкорлик қилиш ва дунё майдонида янада самарали бўлишни режалаштиришаётгани қувонарлидир.

Қўшни Афғонистонга ҳам дахлдорлик мазкур нуфузли тадбирнинг яна бир муҳим жиҳатидир. Зотан, ушбу давлат ҳам минтақанинг бир қисми бўлиб, Марказий Осиёдаги барча мамлакатлар Афғонистонни иқтисодий ривожлантириш ва у ердаги тинчлик жараёнлари йўлида ўзаро ҳамкорлик қилишдан манфаатдордир.

Бундай мулоқотлар ҳар йили бўлади, деб ўйлайман. Улар ҳам Президентлар, ҳам вазирлар, ҳам жамоатчилик ва хусусий ташкилотлар даражасида ўтказилади. Албатта, миллий манфаатларга зарар етказмаган ҳолда минтақавий даражада фикрлашни бошлаш керак.

Яна бир бор такрорлайман, мен учун бу жуда катта таассурот қолдирган воқеа бўлди ва 2019 йил 29 ноябрь Марказий Осиёдек буюк минтақанинг қайта туғилиш санасига айланди. Бу Марказий Осиёдаги ҳар бир мамлакатнинг миллий байрамига айланиши лозим.



**Фабрицио ВИЕЛМИНИ, сиёсий эксперт (Италия):**

— Тошкентда бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари иккинчи Маслаҳат учрашуви бутун минтақа, хусусан, Ўзбекистон учун ҳам жуда муҳим анжуман ҳисобланади. Шавкат Мирзиёев мамлакат Президенти сифатида фаолият бошлаганидан буён бундай форматдаги минтақавий ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бу эса унинг Марказий Осиёдаги бошқа мамлакатлар билан яхши қўшничилик ва яқин ҳамкорлик сиёсатига бўлган ўзига хос ёндашувидан далолат беради.

Дунё миқёсида турли таҳдид ва хатарлар кучаяётган бугунги даврда мазкур беш мамлакат ўзаро ҳамкорлик формати ва бунда ўзининг позициясини белгилаб олиши керак. Минтақа мамлакатлари биргаликда, қўлни қўлга берган ҳолда ўша таҳдидлар таъсиридан ҳимояланиши ва ўзларининг аниқ йўналишларини белгилаб олишлари лозим. Фикримча, айнан мана шу йўналиш Президент Шавкат Мирзиёев олиб бораётган ташқи сиёсатда яққол намоён бўлмоқда.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувида давлат ва жамият ҳаётига дахлдор қатор долзарб масалалар ҳақида ҳам очиқ-ойдин суҳбатлашилади ва кўп томонлама манфаатли келишувларга эришилади. Уларнинг замирида эса давлатлар манфаати ва одамлар фаровонлиги мужассам.

**Ильгар ВЕЛИЗАДЕ, “Жанубий Кавказ” сиёсатшунослар клуби раҳбари (Озарбайжон):**



— Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг иккинчи Маслаҳат учрашуви нафақат минтақа, балки халқаро майдонда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Хусусан, биз Озарбайжонда ушбу саммитни ва унда илгари сурилган ташаббусларни катта қизиқиш билан кузатиб бордик.

Ўзбекистон Президенти Марказий Осиёдаги муаммоларни бартараф этиш ҳақида гапириб, иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш, бунинг учун инвестицион фонд ташкил этишга чақирди. Шунингдек, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни сақлаш борасида Ўзбекистон томони қатор лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Мен бу йўналишда юртингизда ўтказилган анжуманда иштирок этиб, ушбу учрашув ғояси Ўзбекистон раҳбари томонидан илгари сурилганига гувоҳ бўлганман. Бу нафақат Марказий Осиёга қизиқувчи сиёсатчилар, балки эксперт доираларида ҳам катта хайрихоҳлик уйғотган. Ўзбекистон Президентининг мазкур ташаббуси барҳаёт ва у бундан кейин ҳам барча давлатлар томонидан қўллаб-қувватланади.

**Ҳолид Таймур АКРАМ, Глобал ва сиёсий тадқиқотлар маркази ижрочи директори (Покистон):**



— Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Маслаҳат учрашуви Президент Шавкат Мирзиёевнинг эзгу ташаббуси ҳисобланади. Ушбу саъй-ҳаракатлар туфайли минтақа бир маслаҳат майдонига айланди. Қолаверса, бу анжуман Ўзбекистон етакчисининг Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари орасидаги муҳим ролидан далолат беради.

Тошкентда бўлиб ўтган иккинчи Маслаҳат учрашувида Президентлар минтақа мамлакатлари ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлаш ва барқарор ривожланиш тарафдори эканлигини намоён этди. Зеро, минтақа халқлари қардош ва ягона тарихнинг чуқур илдизларига эга. Назаримда, ушбу платформа катта истиқболга эга. Хусусан, бу каби дўстона учрашувлар савдо-иқтисодий ва логистика, маданий-гуманитар лойиҳаларни янада кенгайтириш бўйича ҳамкорликни мувофиқлаштиришга ёрдам беради. Бундан ташқари, формат бошқа республикалар иқтисодиётини диверсификациялашга қаратилган дастурларни амалга оширишга имкон беради. Чунки Ўзбекистон — энг тез ривожланаётган иқтисодиётга эга мамлакат.

Минтақада қулай инвестициявий муҳит мавжуд. Шунга кўра, Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари мунтазам равишда маслаҳат учрашувларида қатнашиши, улар учун катта истиқболларни очиб беради ва иқтисодиётнинг рақобатдошлигини оширади.

«Халқ сўзи».

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1256. 45 827 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.40 Топширилди — 03.10 1 2 3 4 5 6